

Халқаро ҳамкорлик



Делегация аъзолари — тармоқ касаба уюшма синдикати Президенти Фалех ал Азми, синдикат бош котиби Салем ал Азми, синдикат аъзоси Амер ал Азми, Хотин-қизлар кўмитаси аъзоси Маха ал Мотвалар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигида қабул қилиндилар. Меҳмонлар Республика шошилинич тиббий ёрдам маркази ва Тошкент шаҳридаги бошқа тиббиёт муассасалари фаолияти билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, улар пойтахтнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўришди.

Ташриф давомида меҳмонлар қадимий Самарқанд шаҳрида бўлиб, касаба уюшмалари тизи-

Дўстона ташриф

Кувайт Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши делегацияси аъзолари юртимизга ташриф буюрди.

мида юз бераётган ўзгаришларга гувоҳ бўлишди.

— Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Самарқанддаги тарихий обидалар, айниқса, Имом ал-Бухорий мақбараси бизда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон касаба уюшмалари билан ҳамкорлигимиз келажакда янада ри-

вожланишига ишонаман, — деди делегация раҳбари Фалех ал Азми.

Сафарнинг сўнгги кунинида кувайтлик ҳамкасблар ЎзКУФК Ўқув марказида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши тизимидаги хотин-қизлар масалала-

ри бўйича масъул ходимлар учун ўтказилаётган ўқув машғулотлар жараёнини кузатиб, иштирокчилар билан ўзаро фикр алмашдилар. Улар ўқув марказидаги ошхона, компьютер хоналарини кўздан кечирар эканлар, яратилган шароитларнинг юқори даражада эканлигини таъкидладилар.

Шерзод АБДУСАМАДОВ,
«Ishonch» мухбири
Икром ҲАСАНОВ
олган сурат

Ҳафтанома

25 июн

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик паласи Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитасида «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилишига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди

26 июн

Тошкент ислом университетидида «Марказий Осиёда ислом қадриятлари: бағрикенглик ва гуманизм» мавзусида халқаро илмий анжуман бошланди

Мамлакатимизга Афғонистон Ислам Республикаси энергетика ва сув ресурслари вазири Муҳаммад Исмоилхон раҳбарлигидаги делегация аъзолари ташриф буюрди

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Корея Республикаси Халқаро ҳамкорлик агентлиги — КОИСА вакилларининг мазкур академия профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди

27 июн

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини кенг нишонланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси президенти Ислам Каримов табрик йўллади

28 июн

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасида мамлакатимиз солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, солиққа оид қонунчиликдаги янгилликлар ва ўзгаришлар, мазкур тизим фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди

29 июн

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялғи мажлиси очилди

Ушбу сонда:

Ўлка табиати ОШИҒИ

Ёки қишлоқда яшаб дунёни забт этган рессом



2-бет

Дуохонлик — жодугарлик



5-бет

Туман ичра тўқнашув



11-бет

Мухлислардан илҳом олган

футболчи



13-бет

Хабарлар

Нуронийларга бепул йўлланма

Сурхондарё вилоят ҳокимлигида саховатга йўғрилган тадбир ўтказилди. Унда Термиз шаҳрида яшовчи, воҳа халқ хўжалиги рағнақига муносиб ҳисса қўшган 20 нафарга яқин кексалар ҳамда афғон уруши қатнашчиларига республикамиздаги турли сихатгоҳларга, дам олиш уйларига бепул йўлланмалар топширилди.

— Биз кексаларга давлатимиз томонидан бундай эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётганлигидан бениҳоя хурсанд бўлдик. Қариялари қадрланаётган юртимизнинг эртаси бундан ҳам порлоқ бўлишига ишончим комил, — дейди Қорабой бобо Холиёров.

Шунингдек, Ангор, Термиз, Бойсун, Қумқўрғон, Жарқўрғон туманларида ҳам нуронийларнинг даволаниш ва дам олишлари учун 280 дан зиёд йўлланмалар бепул тарқатилди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ишонч» муҳбири

«Ногиронлар» уйи замонавий қиёфада

Гулистон шаҳрида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Илгари бўш ётган, хароба ҳолга келиб қолган бинолар ўрнида бир-биридан чиройли, кўркам иншоотлар қад ростламоқда. Вилоят «Гўдақлар» уйи яқин-яқингача тор, эски бинода фаолият кўрсатар, ўтган асрнинг 70-йилларида бунёд этилган бу иншоот йиллар ўтиши билан нураб, бутунлай яроқсиз ҳолга келиб қолган эди.

Яқинда 2-«Гўдақлар» уйи янги бинога кўчиб ўтди. Шаҳарнинг Фарҳод маҳалласида вилоят ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотларнинг ёрдамлари туфайли икки қаватли кўркам бино бунёд этилди. Қурилиш ишларига 200 миллион сўм маблағ сарфланди. Бинода жажжи ўғил-қизларнинг камол топиб, тарбия олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Шаҳарда яқинда яна бир катта хайрли юмуш амалга оширилди. Шароф Рашидов номли маҳалла ҳудудидаги қўш қаватли эски ётоқхона маҳаллий бюджет маблағи ва ҳомий ташкилотлар ёрдамида мукамал таъмирланиб, ногиронлар ихтиёрига топширилди. «Сирдарёпахтасаноатсотиш», «Сирдарё электр тармоқлари», «Сирдарё автоўл», «Гулистон нефт бази си унитар корхонаси», «Вилоят кимё» каби ўнлаб ҳомий ташкилотлар қурилиш ишларида саховатларини аямасдилар.

Янги, замонавий қиёфадаги ушбу масканнинг фойдаланишга топширилиши катта тантанага айланди. Тадбирда сўзга чиққан бир гуруҳ ногиронлар бу каби хайрли ишлардан кўнғиллари тоғдек кўтарилганини билдириб, ўз миннатдорчиликларини изҳор қилишди.

Анорбой НОРКУЛОВ,
«Ишонч»нинг жамоатчи муҳбири

Танлов фаол бўлишга ундайди

Тозалик, озодалик, саранжом-саришталик хайрли ишларнинг дебوحаси ҳисобланади. Пок жойда кайфият кўтаринки, ишда эса барака бўлади.

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти талабалар турар-жойида Бирлашган касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан ўтказилган «Энг озода, тартибли хона» ва «Энг намунали қават» танлови жараёнида талабаларнинг бу нақлга нечоғлик амал қилиши яна бир карра намоён бўлди. Хайъат аъзоларининг голибларни таниқлаши осон бўлмади. Сабаби ҳар бир хона, қаватда яшовчилар голибликка даъвогарлик қилишди.

Талабалар турар-жойидаги тўрт қават бўйича «Энг озода, тартибли хона» танлови голибларига «Тефал» чойнаги, дазмоллар, «Энг намунали қават» деб топилган 4-қаватда яшовчиларга ҳам эсдалик совға топширилди.

Тадбирни ташкил этишда институт «Маънавият маркази», хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ва факультет деканлари яқиндан қўмақ беришди.

Шу кун яна бир тадбир — бундан бир ой аввал эълон қилинган «Энг китобсевар гуруҳ» танлови ниҳоясига етди. Танлов жараёнида 160 га яқин бадий китоб талабалар турар-жойининг кутубхона фондига топширилди.

Баҳодир МУҲАММАДОДИЛОВ,
Бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси

Орамиздаги одамлар

Ўлка табиати ОШИҒИ

Наманган шаҳридаги Маданият саройида ташкил этилган маҳаллий рассомлар асарлари кўргазмаси ҳар қачонгидан гавжум. Табиат манзаралари тасвирланган полотнолар олдида, айниқса, санъат шайдолари кўп.

— Қаранг, худди ўзи-я. Ўзимни худди қишлоққа бориб қолгандай, унинг кўчаларида юргандай ҳис қилдим, — дейди берилиб картина томоша қилаётганлардан бири.

— Ортидаги қорли тоғлар, шовуллаб оқаятган сой, сой бўйидаги бог.

Ахир, бу Нанай қишлоғи, у ердаги «Пахтачи» сихатгоҳи-ку! — бошқаси хаяжон билан унга кўшимча қилади.

— Қишлоқ манзараларини бунчалик жонли акс эттирган асарни кўрмаганман...

ҲАҚИКАТАН бу икки томошабиннинг бунчалик завқ олиб хаяжонланганича бор. Қишлоқ ҳаёти, унинг меҳнаткаш, содда, одамхон кишиларини жонли, ҳаётий, юракка яқин қилиб тасвирланган асарлар кам ва бунинг уддасидан ҳамма ҳам чиқавермайди. Ушанда кўргазмада эшитган бир гапимиз қулоқларимиз остида қайта жаранглаётгандай бўлади:

— Ахир, уларнинг муаллифи ўзимизнинг Ҳайдарали Усмонов. Қишлоқда туғилиб ўсган ва ҳозирда хориж давлатларида ҳам танилиб улгурган: АҚШ, Германия, Франция ва Шарқ мамлакатларида картиналари қўлма-қўл бўлапти. Ўзи шу ерда яшайди. Қишлоқ ҳаёти, одамлари қалбига яқин.

Ҳайдарали Наманган туманидаги Фирвон қишлоғида туғилиб ўсди. Шу ердаги мактабда таълим-тарбия олди. Болалигидан расм чизишга қизиқди. Унинг ўқувчилик даврида чизган расмлари

ўша маҳалдаёқ республика болалар газета-журналларида босилган. Пойтахтда ўқиб юрган кезларида ҳам бир дақиқа бўлса-да ижодни тўхтатмади. Уша вақтларда уни бир неча газета-журналларга ишга таклиф қилишди. Аммо унинг қалби ўз қишлоғига, киндик қони томган Наманган сари талпинди.


Ҳайдарали Усмонов ижодхонасида Дарвоқе, у «Қуёшли кўча» деб номланган асарида тасвирланганидек одмигина, бироқ файзли ҳовлида яшайди. У шу ерда яшаб-ижод қилиб, дунёни забт этаяпти.

Бу хонадонга киришингиз билан ўзингизни бепоён ва беқиёс гўзал юртимизнинг мафтункор гўшаларига бир йўла бориб қолгандай ҳис этасиз, тўрт фаслни бир неча дақиқа ичида яшаб ўтасиз. Чор атрофингиз — полдан шифтгача табиат манзаралари акс этган полотнолар. Бирига боқиб

оплоқ қор уфураётган аёздан титраб кетасиз, иккинчисида саратон жазирамасини туясиз, бошқасида баҳор нафаси дилингизни қитқиласа, наригисида кузнинг сокин ва маъюс кайфияти оғушида қоласиз.

Мусаввирнинг ҳар бир асарида тасвирланган табиат ўртасида учраб турадиган зиддиятларни йўқотиб юборишдек моҳирлик, ёқимли куй янглиғ ошуфторлик бор. Йўқ, буларни сўз билан таърифлаб бўлмайди. Шеърни ўқиш, кўшиқни тинглаш керак бўлганидек, ҳасос рассом қалб кўрини, энг эзгу туйғуларини омухта қилиб яратган ҳаёт манзараларини фақат кўз билан кўриб, қалб билан ҳис этиш мумкин. Мўйқалам соҳибининг ижодхонасида улуғвор бир сукунат атрофингиздаги барча шовқин-суронларни босиб туша бошлайди. Бу Ватан ҳақидаги сохта ҳайқириқлардан ўзгача, бўғиздан эмас, юракдан севилган Ватан, ватанпарварликнинг сокин кўшиғи эди.

Россия, АҚШ, Франция, Германия, Швейцария, Италия, Малайзия, Туркия, Марокаш, Латвия... Мана, қаерларда жаранглаяпти бугун бу кўшиқ. 1991 йилда Туркиядан келган меҳмон рассомнинг «Кўшанда тонг» номли асарини сотиб олди. Ана шу биргина асар Камол Отатурк номли Давлат санъат музейида туриб, Наманганда шундай мусаввир борлиги ҳақида жаҳонга жар солди. Шу-шу унинг бир оёғи Туркияда. У ўша ердан туриб Европани, океанорти мамлакатларини «забт этди».



Ёки қишлоқда яшаб дунёни забт этган рассом



Туркияда 1997 йилда икки марта «Отатурк» маданий маркази ва Камол Отатурк номли санъат музейида, 1998 йилда уч марта — «Ида», «Гўзал», «Геросии» санъат галереяларида, 2000 йилда икки марта «А.Студия» ва «Лора» галереясида асарлари кўргазмасини ташкил этди. Анқарада ўтказилган 3-халқаро кўргазмада Ҳайдарали Усмонов асарлари 36 давлат рангтасвирчилари ичида биринчи ўринни олди. Кўргазмага олиб борган ишларидан бирортасини қайтариб олиб келган эмас. Нафис санъат мухлислари, нуфузли коллекционерлар уларни сотиб олишди, камига яна буюртмалар беришди. Ҳозир рассомнинг тахминан 400 га яқин асари дунё бўйлаб тарқалиб кетган.

Ҳ.Усмоновдан ижодий режаларини сўраганимизда:

— Барча ҳамюрт, ҳамкасбларимиз нимани ўйлашаётган, орзу қилишаётган бўлса, мен ҳам худди ўшалардек, — қулиб жавоб қайтарди суҳбатдошимиз. — Ниятим — асарларимда юртим кўришилларини, хусусан Фаргона водийси ва Наманганимиз табиати манзараларини, меҳнаткаш одамларининг хислатларини, ўзига хос фазилатларини акс эттириш. Жонажон Ўзбекистонимизнинг ер юзининг бирон жойида учрамайдиган гўзал табиатини тасвирлаш орқали дунёга биз қандай жаннатмакон ўлкада яшаётганлигимизни кўрсатишдир.

Акрамжон САТТОРОВ,
Обиджон
ЖУМАНАЗАРОВ,
Ўзбекистон
журналистлар ижодий
уюшмаси аъзолари

Жараён

каби муаммоларни улар фидокорона меҳнати ва ишбилармонликлари билан енгиб келишмоқда. Қорақалпоғистонлик фермерлар кейинги йилларда давлатга пахта сотиш режасини мамлакатда биринчилардан бўлиб бажаришяпти. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фермерларнинг улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ўтган йили уюлган пахта хирмонининг 98 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келди.

— Бу фермерлик ҳаракатига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин самарасидир, — дейди агро-саноат мажмуи ходимлари Касаба уюшмаси Қорақалпоғистон кенгаши раиси Узоқберган Саиджонов. — Касаба уюшма аъзоларининг катта қисмини фер-



Фермер

Мустақиллик йиллари барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам улкан ислохотлар амалга оширилди. Илгарилари давлат дотацияси ҳисобига яшашга одатланиб қолган соҳа эндиликда катта рентабелликка эришиш йўлидан бормоқда. Бунинг ягона сабаби ерга, мулкка муносабатнинг ўзгараётганида бўлса керак. Йил-ўн икки ой далада меҳнат қилса ҳам рўзғори бут бўлмаган деҳқон бугун фермер сифатида иш юритмоқда. Ўз меҳнати ҳисобига манфаат топаётган минглаб фермерлар бугунги кунда қишлоқнинг фаол ислохотчиси сифатида майдонга чиққан.

Фермерлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан чекланиб қолмай, хом ашёни қайта ишлаб, бежирим қадоқланган тайёр маҳсулот сифатида хорижга сотиш чораларини кўришмоқда. Бу билан ҳам қишлоқ мулкдорининг манфаатдорлиги ортмоқда, ҳам элдошларимиз тургун ва даромадли иш ўрнига эга бўлишмоқда. Шу тариқа давлатимиз раҳбарининг ер ҳақиқий эгасини топиши керак, деган тамойили бугун тасдиғини топяпти. Қишлоқ хўжалиги ерлари ишнинг кўзини билладиган, сўяги меҳнатда қотган фидойи инсонларга узоқ муддатга ижарага берилди. Бу жараён танлов асосида амалга оширилди. Ҳар бир контур камида икки-учта даъвогар орасидан танлаб олинган қишлоқ мулкдорига берилди. Танлов жараёнида даъвогарнинг иқтисодий аҳоли, соҳага оид тажрибаси ва, албатта, комиссияга тақдим этган бизнес лойиҳаси синчковлик билан ўрганиб чиқилди.

Фермерлик ҳаракатининг қонуний кафолатлари яратилди. Шу боис мамлакатимиз фермерлари йилдан йилга юксак натижаларга эришиб келишмоқда.

Қорақалпоғистонда ҳам ҳалол ва фидокорона меҳнатлари туфайли эл назарига тушган фермерлар талайгина. Бу ҳудудда ўн минг фермер хўжалиги фаолият юритаяпти. Шундан деярли ярми пахтачилик, икки мингдан кўпроги ғаллачилик, салкам бир ярим мингтаси полизчилик, яна мингта яқин фермер чорвачилик ва балиқчилик билан шуғулланади. Ернинг кучли шўрлангани, экологик ҳолатнинг кескинлиги

фаол ислохотчи

мерлар ташкил этади. Биз янги ташкил қилинаётган ҳар бир фермер хўжалигида бўлиб, уларни аъзоликка жалб этиш, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини фаол ҳимоя қилиш чораларини кўраёмиз.

Фермерлар Касаба уюшмасининг афзаллигини ҳис қилгани боис уюшмага аъзо бўлмоқдалар. Меҳнат шароитини яхшилашда, бўш вақтини мазмунли ўтказишда, турли муаммоларни бартараф этишда уюшма уларга мададқордир.

Биз Узоқберган оғанинг тавсияси билан илғор фермерлар билан учрашдик. Уларнинг ишлари, бугунги таъшиқлари билан танишдик.

Қонлиқўллик фермер Тожихол Эшқобулова — Оролбўйи минтақасида ривожланишнинг равон йўлига чиқиб олган тадбиркорларидан бири. У ўн йил аввал Халқаро Оролни қутқариш жамғармасидан 1 миллион сўм кредит олиб, чорвачилик билан шуғуллана бошлаганида, аёл киши шунчалик куйиб-ёниши шартми, аёл бошинг билан кредитни қайтаролмай шарманда бўлмагин тагин, дегувчилар ҳам топилганди. У бундай гап-сўзларга мутлақо парво қилмади. Қатъий интизом билан ўз режаларини амалга ошираверди. Ҳукуматимизнинг ғамхўрлигига таянди. Яқинларининг қўллаб-қувватлаши билан 30 бош қорамол сотиб олиб, уларни парваришлагга киришди. Ният холис бўлса, самарасини бермай қолмайди. Тадбиркор кредитни ўз вақтида қайтарди. Қорамол сонини кўпайтириб, элдошларининг чорва маҳсулотларига бўлган талабини тобора кўпроқ қондира бошлади. Дастлабки муваффақиятидан

руҳланган Тожихол опа 2000 йили «Ғофир» номли фермер хўжалигини ташкил қилди. Бу ишда унинг тадбиркорлиги, ер билан тиллаша олиши ва чорвачилик соҳасида тўплаган тажрибаси қўл келди. Фарзандлари Инъом, Ғабитлар унга елкадош бўлишди. Инилари Тажен Ешқобулов, Темирхон Абдуллаев, Узоқбой Мамбетниёзов, Мирзабой Сапаровлар кўмакка келишди.

Излаган имкон топар деганларидек, мана, етти йилдири, «Ғофир» фермер хўжалиги барча соҳаларда юқори кўрсаткичларга эришяпти. Ўтган йили 20 гектар ерда ғалла, яна шунча майдонда пахта етиштирилиб, шартнома ортиги

дошларини дину диёнатга, меҳроқибатли бўлишга ундаса, моҳир тадбиркор сифатида хайр-саховат ишларига бош-қош бўлмоқда. Кам таъминланган ва ижтимоий муҳофазага муҳтож ҳамқишлоқлари доимо опанинг эътиборида. Шундай оилаларнинг иккитасига сугир ҳада этилди. Қишлоқ ёшлари иш билан таъминланмоқда.

— Энг муҳими, Т.Эшқобулова каби фермерлар қишлоқда фаровон турмушни таъминлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришиб келмоқда, — дейди кенгаш раиси Узоқберган Саиджонов. — Улар сони қанча кўпайса, турмушимиз шунча фаровон бўлаверади.

Амударё Қорақалпоғистондаги энг йирик пахтачилик туманларидан биридир. Туманда фермерлик ҳаракати мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бошланган эди. Мулкчилик шаклини ўзгартириш ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш мақсадида илгари кам рентабелли, катта зарар билан ишлаб келаётган қишлоқ хўжалик қороналари тугатилиб, улар негизда 592 та фермер хўжалиги ташкил қилинди.

Кейинги йилларда фермер хўжаликларига лизинг ва кредит асосида 6 млрд 720 млн. сўмлик 334 та ҳар хил маркадаги чопиқ ва ҳайдов тракторлари етказиб берилди.

Яратилган шароитларга жавобан фермерлар моддий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик чораларини кўрмоқдалар. Натижада маҳсулот таннархини камайтириш ва даромад олиш даражасини кўтариш-

Қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилишда ривожланган давлатларда синовдан ўтган самарали йўлни — фермерликни танладик. Биз танлаган йўл тўғри эканини ҳаёт кўрсатмоқда, яъни ўз самарасини бермоқда.

Ислом КАРИМОВ



да яхши натижаларга эришилмоқда.

Адилбек Еримбетов — ана шундай натижаларни қўлга киритаётган фермер. У «Жавлон» фермер хўжалигини 2002 йили ташкил қилган эди. Ўша йили лизинг асосида ТТЗ-80 тракторига эга бўлди.

Хўжалик 67 гектар майдонда деҳқончилик қилади.

— 40 гектарга яқин ерга чигит экканмиз. 14 гектардаги буғдойимиз пийшай деб қолди. Қолган далаларимизда полиз маҳсулотлари етиштираяпмиз, — дейди фермер.

Фермер мўл ҳосил олиб топган даромадини элдошлари билан баҳам кўриб келмоқда. Бу йил кам таъминланган оилаларга қорамол олиб берди, мактаб-боғчалардаги тадбирларга ҳомийлик қилди.

Берунийлик Жобберган Жуманиёзов — туманинг дондгор пахтакорларидан. Илгарилари тадбиркорлик билан шуғулланган Ж. Жуманиёзов фермерликка кенг йўл очилганидан руҳланиб 100 гектар ерни ижарага олиб, «Иззат Жуманиёзов» фермер хўжалигини ташкил қилди. Ишни шу далаларда узоқ йиллардан буён ишлаб келаётган, ернинг табиий шароитидан яхши бохабар деҳқонлар билан маслаҳатлашишдан бошлади. Улар билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишиб олди. Меҳнатига яраша манфаат топиларига ишонтирди. Шу тариқа ижарага олинган ерга тўлиқ пахта экилди.

Техника — деҳқоннинг қаноати. Бунга яхши англаган Ж. Жуманиёзов фаолиятининг дастлабки йиллари ўз жамғармаси ҳисобидан зарур техникаларни сотиб олди. Кейинчалик ҳам даромаднинг катта қисмини техника сотиб олишга йўналтирди. Бугунги кунда хўжаликда барча турдаги қишлоқ хўжалик техникаси ва ускуналари бор. Шунданми, ҳар йили катта натижаларга эришиб келмоқда. Ўтган йили давлатга 300 тонна сифатли пахта хом ашёси сотишга эришди. Етиштирилган пахтанинг катта қисми юқори наваларга сотилгани боис даромад ҳам яхши бўлди. Фермер мақтанишни унчалик хушламайди. Даромад ҳақида гапирганда «насибага яраша» дейиш билан чекланади.

Фермернинг бу йилги режалари улуг. Ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олиш ниятида. «Ҳосил тўйига келасиз», — дейди фермер. Биз кузда учрашиш ниятида хайрлашдик. Берунийдан қайтаётиб Жобберган Жуманиёзов каби тадбиркор, ишнинг кўзини билладиган фермерлар қанчалик кўп бўлса, буюк келажак ҳақидаги орзуларимиз рўёби шу қадар яқинлашиши ҳақида ўйладик.

Улли БОБОЕВ,
«Ишонч» муҳбири

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига



Сен кимгадир керак бўлсанг, унутма, бу ҳам бахт, деган эди донишмандлардан бири. Опа ана шу нақлни аслаб энгил тин олади. Бир зумда чарчагани тарқаб, янги куч-қувват куйилиб келаётганини ҳис этади.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшма Кенгашининг вакили, Мирзо Улуғбек тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ўсмирлар ва чақирув ёшидаги йигитларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича бош мутахассиси Ойдин Каримова устозлари ўғити, билим ва амалий ёрдами тўғрисида кам бўлмади. Обру-эътибор қозонди. Соҳаси бўйича илк бор жажжи болажонлар соғлиқни сақлаш йўлида меҳнат қилди. Тажрибаси ортиб бугунги даражага эришди. Энг муҳими, унга яна улкан ишонч билдирилди ва жамоа ташкилоти бўлиши тармоқ касабаси уюшмасида ҳам ишлаш насиб этди.

1995 йилдан буён туман даволаш-профилактика муассасаларида фаолият кўрсатаётган шифокор, ҳамшира, кичик тиббиёт ходими ва техник ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиб келмоқда. 38 йиллик фаолияти давомида устозларидан тиббиёт ва ташкилий ишларнинг сир-асрорларини ўрганиб, бугун ўзи устозлик даражасига етди. Шифокорлик касбини мукамал эгаллашда Гулдона Умарова, Маҳбуба Арипханова, Жумхура Арипжоновалар устозлик қилган бўлса, ташкилий йўналишлардаги фаолиятида эса Озода Муҳиддинова, Гавҳар Исламова, Лола Жалолова каби ажойиб инсонларнинг хизмати бекиёс.

— Ходимларнинг меҳнат шaroитини яхшилаш, ижтимоий ҳимоя қилиш борасида қандай ишлар олиб борилаётгани, — сўрайман опадан.

— Хар бир киши ўз зиммасидаги вазифани масъулият билан бажарсагина мақсадга эришилади. Қайси соҳада фаолият юритмайлик, меҳнат қилаётган инсонни кадрламоқ ва эъзозламоқ керак. Соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, олийжаноб касб эгалари бўлиши тиббиёт ходимларининг оғир, мураккаб ва машаққатли меҳнатини муносиб кадрлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга қўшимча имтиёзлар бериш, меҳнат шaroитини яратиш, шунингдек, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, ёшларни эса маънавий-маърифий жиҳатдан етук ҳамда миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, соғлом ва баркамол бўлиб воёга етиши учун олдимиздаги масъулиятни теран ҳис этиш лозим. Бу борада Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси, тармоқ касабаси уюшмаси Кенгаши ҳамда Мирзо Улуғбек туман ҳудудий тиббиёт бирлашмасининг раҳбарлари ҳамкорлигида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йили шаҳримиздаги 14-болалар хирургия шифохонаси, 9-оилавий поликлиника, 7-сил касалликлари диспансери ва марказий шифохоналар қайтадан таъмирланиб, янги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу ҳам тиббиёт ходимларининг ишлаши учун яратилган имкониятлардан бири саналади.

Кам таъминланган ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. 30 нафардан ортик

кишига маъмурият ва касабаси уюшма Кенгаши ҳамкорлигида моддий ёрдам ажратилган бўлса, 40 нафардан ортиқга 1,5 миллион сўм миқдорда хайрия соғвалари топширилди. Бир қанча ходимларга соғлиқни тиклаш, даволанишлари учун Ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази, Эндокринология илмий текшириш институти, «Турон» санаторийси ҳамда шаҳар марказий шифохонасига бепул йўланмалар берилди. Шу билан бир қаторда, 13 нафар тиббиёт ходимига (оила аъзолари билан биргаликда) дам олиш уйларига, 17 нафар аъзоларга санаторийларга имтиёзли йўланмалар берилди. Шунингдек, «Кумушкон», «Қизилсой», «Оқтош», «Сумча» каби сўлим ва баҳаво оромгоҳларга икки кунлик дам олишлари учун имконият яратилди. Жорий йилда Давлат дастуридан келиб чиқиб, муайян ишларни амалга ошириб, кам таъминланган тиббиёт ходимларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда.

Тошкент трактор заводи акциядорлик жамиятига қарашли «Билдирсой» болалар оромгоҳида уларнинг фарзандлари ёзги таътилда дам олдирилади. Хар йили 30-50 нафар бола имтиёзли равишда йўланма билан таъминланади. 7-14 ёшгача бўлган болаларни соғломлаштиришга эътибор қаратилади. Шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшма кенгашидан «Конструктор», «Кубили», «Зилола» оромгоҳларига йўланмалар оламин.

Савоб иш қилмоқчи бўлсанг, саховат кўрсат, дейди доно халқимиз. Юқорида айтиб ўтилган ишларни амалга оширишда бегараз ёрдам кўрсатаётган ҳомий ташкилотларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Саховатпеша инсонлар борлиги учун ҳам олам мунаввар, кўнгил чарогон.

Соғ танда соғлом ақл, деб бежизга айтилмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, спорт-соғломлаштириш ҳамда маънавий-маърифий тадбирларни йўлга қўйишда ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилаяпти. Тиббиёт ходимлари туманимизда анъанага айланган спартакиада, марфон ва спортнинг барча турлари бўйича йил давомида уч марта ўзаро беллашадилар. Бундай

тадбирлар Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшма Кенгаши, Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ҳамда ҳудудий тиббиёт бирлашмаси билан ҳамкорликда ўтказилиб, унинг иштирокчилари рағбатлантирилиб борилмоқда. Ходимларнинг маънавий ҳордиқ

Кўшнилари ҳам опани ўзларига жуда яқин олишади. Кимгадир маслаҳат, яна бировга тиббий ёрдам керак. Хоҳ ярим кечаси, хоҳ тонг саҳарда бўлсин, ким эшик қоқиб ёрдам сўраб келса, опа «йўқ» демайди.

— 15-17 ёшгача бўлган ўсмирларни тиббий кўрикдан ўтказиш, касб-ҳунар коллежида ўқийдиган болаларни соғломлаштириш, уларни чақирув ёшига, армияга тайёрлаш, қизларни эса соғлом турмуш тарзига тайёрлаш соҳамдаги асосий вазифа ҳисобланади, — дейди суҳбатдошим. — Касабаси уюшмасида эса жамоатчи сифатида фаолият кўрсатаман. Эришилган

этилса бўлди. Вакиллик ўз режаси бўйича хар бир касабаси уюшмасига ёрдам беради. Хар бир муассаса мажлисларида иштирок этиб, ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатади. Ойдин Каримова шунча ишдан ортиб шаҳар касабаси уюшмасида тафтиш комиссиясининг раиси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Бу осон иш эмас. Кенгаши раиси хар доим «Ойдинхон келса тинч, хотиржам бўлиб қоламан. У иштирок этган, бошчилик қилган тадбир албатта кўнгилдагидек ўтади», дейди. Шундан ҳам унинг ўз ишига жонқуяригини билса бўлади. У жуда камтарин, камсуқум инсон. Қанча кўп иш олиб

Ўзгаларга яхшилик истаб

чиқаришлари учун эса республикамиз театрлари билан ўзаро шартнома тузилган бўлиб, шу асосда ходимларга бепул чипта тарқатилаяпти.

Кадрларнинг малакасини ошириш ҳам доимий эътиборда. Турли семинарлар, ўқув машғулотлари мунтазам равишда уюштирилади. Касабаси уюшма раислари, кадрлар бўйича назоратчилар ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассисларнинг малака оширишлари учун ўқув ташкил этилади.

Бир сўз билан айтганда, опа тадбиркор, ташкилотчи, ишбилармон. Барча тадбирларда шахсан ўзи бош-қош бўлади. Елиб-югуриб маблаг топади. Хар бир ходимнинг оилавий аҳволи билан яқиндан танишади, фарзандларининг таъминоти, турли тадбирлар ўтказишда яқиндан ёрдам беради, оғир касалларнинг даволаниши учун имкон қадар кўмаклашади. Ягона мақсади — ходимларни моддий-маънавий рағбатлантириш.

Оила—инсоннинг бахт-иқболи, камолини белгилаб берадиган муқаддас даргоҳ. Опа ана шу даргоҳ анъаналарига риоя қилган бахти бекам инсонлардан. Турмуш ўртоғи Шукур Қаюмов Тошкент Давлат Техника университетида олий математика кафедраси доценти. Оилада икки нафар ўғилни тарбиялаб воёга етказишди. Ота-она тарбияси мукамал бўлса, фарзанд келажакда уларга олқиш ва дуо олиб келади. Фарзандларга меҳнатсеварлик, илм-фанга меҳр қўйиш, каттага иззатда бўлиш туйғуларини шакллантиришди. Бугунги кунда икки ўғил ҳам эл-юрт хизматига камарбаста. Икки нафар набиранинг сеvimли бувижончиси Ойдин опа Каримова тимсолида ҳақиқий ўзбек аёлини кўриш мумкин.

— Яхши ниятга фаришталар омин дейди. Мен доим бир келиним шифокор, иккинчиси ўқитувчи бўлишини ният қилар эдим. Худога шукур, ниятим амалга ошди. Набираларим ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиб воёга етишмоқда. Ана шундан хурсандман.



ютуқлар бир ўзимники эмас. Қарс икки қўлдан чиқади. Тегишли мутасадди ташкилотларга қачон мурожаат қилсам, қуруқ қайтаришмайди. Ҳамма шароит яратиб берилган. Мен эса ташкилотчилик қиламан. Хуллас, кўрибсизки, касабаси уюшма аъзолари манфаати йўлида хайрли ишлар давом этаверади. Олиб бораётган ишим бири иккинчисига ҳалақит бермайди. Аксинча, бир-бирини тўлдирди.

Агар атрофингдагилар меҳнатини эътироф этишса ёки муносиб баҳоласа, билгинки, ҳаракатинг зое кетмаяпти. Шу маънода Ойдин опа билан ёнма-ён ишлаётган ҳамкасблари фикри билан қизиқдик. Гавҳар Тўлаганова, шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси кўмитасининг ташкилий бўлим мудири:

— Ойдин Каримова бу соҳада 12 йилдан бери ишлайди. У жонқуяр, тартибни яхши кўради. Биринчи навбатда ўзига-ўзи талабчан. Шунинг учун қўл остидаги 16 та бирламчи касабаси уюшма кўмитаси раиси ва фаоллари билан ҳамкорликда савоб ва хайрли ишларни амалга оширади. Раислар унга ёзма ёки оғзаки мурожаат қилишдан қатъи назар уларнинг талаб ва илтимосларини бажаришга ҳаракат қилади. Ташкилий ишлар бўйича амалий, услубий ёрдам беради. Келишиб, маслаҳатлашиб иш олиб борилади. Улар ҳеч қачон қўл қовуштириб қараб ўтиришмайди. Атрофда ким ёки қандай имконият бўлса, ўшандан фойдаланади. Асосийси, муаммо бартараф

боришига қарамай, ўзини ниҳоятда хокисор тутади. Муассасаларда дам олиш хоналари очилган. Бунда ҳам Ойдинхоннинг ҳиссаси катта. Унинг ишини оммалаштирса арзийди.

Туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича муовини Нури Раҳимова ҳамкасб сифатида фикр билдириб, шундай деди:

— Ойдинхон билан ишлаётганимизга ҳам анча вақт бўлиб қолди. Шу давр ичида у кишининг ишини яхши кўриши, ўз устида тинмай изланишининг гувоҳи бўлдим. Соҳаси бўйича, яъни шифокорлик касби юзасидан ҳамма у билан маслаҳатлашади, йўл-йўриқ сўрайди. Вилоятларга чиқиб иш тажрибаси билан ўртоқлашади. Бошқа туманлардан келган вакиллар бу инсоннинг ишини ижобий баҳолаб, ҳавас қилишади.

Агар инсон ҳушмуомала, самимий бўлса, кўнгилга йўл топа олса, унга орзулар рўёбинини кўриш насиб этар экан. Қаҳрамонимизга худди шундай тақдир насиб этган. Инсон саломатлигини муҳофазаси қилиш, одамларга яхшилик қилиш, касби устида мунтазам равишда ишлаш ва янгиликлардан хабардор бўлиб, замон билан ҳамоҳанг қадам ташлашни ҳаётдаги шиори деб билган, юзидан нур ёғилиб турадиган, самимий инсон Ойдинхон опа тақдирининг оидин йўллари-дан масрур одимламоқда.

Ҳидоят Жўраева,
«Ishonch» мухбири

Нуқтаи назар

Сеҳр-жоду, макр-ҳийла, дуохонлик билан шугулланиш катта гуноҳ эканлигини кўпчилик яхши билади.

Айниқса, домлалар бу ҳақда кўп ваъз айтишади. Фолбинлик, ирим, сеҳр-жоду қилиш исломда қаттиқ қораланади. Шунга қарамасдан бугунги кунда фолбинлар, сеҳр-жоду билан шугулланувчилар, дуо қилувчилар ва қилдирувчилар кўпайиб бораёпти.

Одатда фолбинлар ўзларининг фаолиятлари билан чегараланиб қолишмайди. Улар кўпроқ шогирд тайёрлаш пайида бўлишади ва мумкин қадар кўпроқ одамларни ўз таъсирларига тортишни мақсад қилиб қўйишади. Айниқса, аёллар ўртасида фолбинликни касб қилиб олганлар кўпайиб бормоқда, улар асосан ёш қизларни, келинларни, турли иримларга ишонадиган ҳамда бошига ташвиш тушган одамларни биринчи навбатда йўлдан оздиришаркан.

Афсуски, кенг тарқалишда дуохонлик ҳам фолбинликдан қолишмайди. Дин арбоблари — домлалар сеҳр-жоду, дуохонлик ислом динида қаттиқ қораланганлиги ҳақида қанчалик кўп ваъз айтишаётганига қарамасдан уларнинг ўзлари (айримлари) бу «касб» билан тобора кўпроқ шугулланаётганлигига нима дейсиз? Бу уларнинг мунофиқлиги эмасми? Тўғриси, очкўзлик уларни шу кўйга солмоқда. Айрим ноинсоф, очкўз домлалар фақат «иссиқ-совуқ» билан шугулланибгина қолмасдан, турли адашган, ҳаёт синовига дучор бўлган одамларга «таскин» бериб, уларни «душманингдан ўч олиб бераман», «бошлигинг айтганингни қиладиган бўлади», «мартабага эришасан», «ишинг юришиб кетади», «мушкулнинг осон бўлади» қабилида дуога тортаётганликлари ҳам бор гап. Сўзсиз, дуохон одамлар бу юмушни катта пул эвазига бажаришади.

Энди сеҳру жодуга ишониб ва берилиб, дуохонларга бориб дуо қилдирувчи одамларга келсак, уларда ҳасад кучли бўлади, бировни кўролмаслик, ўч олиш, бировнинг бошига тушган ташвишдан қувониш, ўз мақсадига бировнинг фожеаси орқали эришиш истаги уларнинг қалбини ўртайди. Оқибатда бу оловни сўндириш учун дуохон домлага йўл оладилар. Дуохон домла эса ёвуз ниятнинг, яъни «бюротма»нинг катта-кичиклигига, «аҳамияти»га қараб ҳасадгўй билан савдолашади. Энг даҳшатлиси шуки, ўша пайтда савдолашаётган томонлар бунинг касофати бир беғуноҳ одамга уришини, охир-оқибатда ўзларига қайтишини ҳаёлларига ҳам келтиришмайди.

Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа туманида бир хислатли инсон яшайди. У киши сеҳр-жоду ва дуони қайтариб, инсонни дарддан халос қилишдек ноёб қобилиятга эга. Тўхтабой ака Болтабоев Аллоҳ берган бу қобилиятни тақво ва поклик билан авайлаб сақлаб, ўзини одамларни сеҳру жоду, дуо ҳамда оғир дардлардан халос қилишдек савоб ишга бахш этган. Ўзбекистон Халқ таъбири академияси илмий кенгаши Тўхтабой Болтабоевга табиб сифатида фаолият олиб боришга рухсат берган. Аслида Тўхтабой аканинг умр йўлдоши Омина опа ҳам шундай ноёб қобилиятга эга. Улар Кечирмас бобо зиёратгоҳидаги ўз уйларида ҳар куни 12-15 соат мобайнида одамларни қабул қилишади. Куни бўйи келаётганларнинг кети узилмайди. Сеҳру дуодан халос

бўлиб, дарддан қутулиб, руҳи тетиклашиб кетаётганлар эса сон-саноксиз. Мен у ерда бир неча бор бўлганим учун юзлаб ана шундай одамлар билан суҳбатлашдим, айримларнинг келгандаги оғир ва кетиш пайтидаги енгил ҳолатларини кузатдим.

Мен саховатли инсонлар — Тўхтабой ака ва Омина опа билан кўп марта мулоқотда бўлдим. Тўхтабой ака фақат савоб иш қилишдан, ҳалолликдан, покликдан гапиради, етим-есирларга ва бева-бечораларга мурувватли бўлишни, садақани шуларга беришни айтиди, тавба қилишга ва гуноҳ ишлардан тийилишга чақиради.

Ҳақиқий ўзбек аёли учун қандай ижобий хислатлар, миллий хусусиятлар зарур бўлса, ҳаммаси Омина опада бор. У киши жуда самимий ва камтарин, оқила ва меҳрибон. Бу ажойиб инсонлар билан суҳбатлашсангиз ором оласиз, дунёни бошқача англайсиз, ҳаёт синовларига бардошли бўласиз, ҳалоллик ва поклик билан дўстлашасиз, Яратгани яхшироқ танийсиз. Менинг улар билан бу сафарги суҳбатим сеҳру жоду, дуо ва дуохонликнинг оқибатлари ҳақида бўлди. Бу суҳбатнинг мазмунини ошкор қилиш билан сеҳр-дуонинг жабрини тортаётганлар қалбида ундан халос бўлиш учун умидворлик уйғотиб, бошқаларни ҳам бундан огоҳлантиришни зарур деб билдим.

— Бировнинг бировга ёмонлик истаб, ҳасад қилиб, кўролмасдан қилаётган дуолари оқибатида турли хасталиклар кўпайиб бораёпти, — дейди ташвиш билан Тўхтабой ака. — Баъзан ҳаётдан тўйган, вужудларини ёвуз кучлар сеҳрлаб олган йигит-қизлар, таналарида ўсма ўсиб кетган аёллар, тўйдан кейин бир-бирлари билан қовуша олмаган келин-куёвлар келишади. Улар дуонинг таъсирида шундай аҳволга тушиб қолишган. Уларнинг аҳволини кўриб жуда ачинаман. Аллоҳдан мушкулларини осон қилишларини сўрайман. Ҳўш, нега ёмон ниятли одамларнинг бюортмаси билан дуо қилиб бераётган мунофиқ домлалар бошқаларни азобга қўйиш билан гуноҳга ботишдан қўрқиб қўймайди?! Мен шу ҳақда кўп ўйлайман ва халқни шундай муллалардан ҳамда отиноийлардан эҳтиёт бўлишга чақираман.



Дуохонлик — жодугарлик

— Айниқса, никоҳ тўйларида ёш келин-куёвларнинг йўлини боғлаш учун дуо қилаётганларни мулақо одам деб бўлмайди. Бировнинг бахтсизлигидан ёки гап-сўз бўлишидан қувонадиганларнинг, айтинг-чи, ҳайвондан нима фарқи бор? — дейди куюниб Омина опа. — Бизга шундай келин-куёвлар кўп келаяпти. Бу катталарнинг иши. Ҳасаддан, ғараз ва араздан қиз ёки йигит томонин шарманда қилиш учун шундай қабихликка боришади. Бу қайтар дунё, ким бировнинг фарзандига ёмонлик қилса, охир-оқибатда қилган



ёмонлиги ўз фарзандига қайтади. Бундай тубанликка кўпроқ аёллар мойил бўладилар. Бироқ барибир бу ишлар пул учун гуноҳ ишлардан ҳам қўрқмайдиган мулла-домлалар билан боғлиқ.

Суҳбатни Тўхтабой ака давом эттириб дейди:

— Келаётган касалларнинг кўпи аёллар. Фолбинларга, ҳар хил мулла-домлаларга боравериш, дуо қилдиравериш, ўз мияларини, ўз руҳларини ўзлари боғлатиб ташлашган, бутун баданларига эса ўсма ўсиб кетган. Хаёллари жой-

ида эмас, ҳаётдан умидларини узишган. Улар дуодан, сеҳр-жодудан тозаланганларидан кейингина ўзларига келишаркан ва қаерга, кимга, нима мақсадда боришганини очик айтишмоқда. Баъзилари пушаймон бўлиб, тузалиб кетганидан кейин тўғри йўлни танлашаркан, баъзилари эса ирода-сизлик қилиб ёки шайтоннинг йўлини танлаб яна фолбинлар ҳамда сеҳр-жоду билан шугулланувчи нопок кимсалар тузоғига тушишмоқда.

— Наркомани яни офат дейишади, лекин сеҳр-жоду, дуохонлик ундан ҳам баттар офат, — дейди Тўхтабой ака сўзида давом эттиб. — Ўзингиз ўйлаб кўринг, одамнинг ақлини боғлаш, фик-

Кейинги беш-ўн йилда бу офат кучайди. Бугунги кунда тақво йўлини тутган ҳақиқий домлалар бу офатнинг оқибатлари ҳақида баралла гапиришмоқда. Назаримда, одамлар ҳам хушёр тортишмоқда. Тўхтабой ака билан Омина опа бу офатга қарши бир неча йилдан бери имконият доирасида қатъий курашиб келишаркан. Уларнинг кураш услубини ўтган йиллар мобайнида минглаб оддий одамлар қаторида машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов, Ўзбекистоннинг бир қанча машҳур зиёлилари ва олимлари, хориж оммавий ахборот воситаларининг кўплаб вакиллари, тиббиёт ходимлари ва халқ таъбабини танникли намояндалари кузатишди. Мен ўз кузатишларимни қуйидаги мисолда баён қилмоқчиман.

Бу ерда Муҳаббат исмли бир аёл даволанди. Касби врач-кардиолог. Тошкентда бир неча йил севган касбига ишлаган. Муҳаббат бир куни қутилмаганда бетоб бўлиб қолади. Ҳамкасблари унга ҳар қанча ёрдам кўрсатишмасин, аҳволи яхшиланмайди, аксинча дарди оғирлашиб бораверади. Ўсмаси бор экан, деб онкология диспенсерига ётқизишади. Врачлар «касали ўтиб кетибди...», дей-

ишади. Қариндошлари умидларини узишади. Шунда танишларидан бири Муҳаббатни Эллиққалъага — Тўхтабой Болтабоевга олиб боришни маслаҳат беради.

Уни бу ерга жуда оғир аҳволда олиб келишди. Бу ерда унга сеҳр-дуо қилинибди деб «диагноз» қўйилди.

— Қизим, мен астойдил ўқийман, бироқ шифони Аллоҳ беради, ихлос қилгин, — деди Тўхтабой ака ҳаётдан умидини узган Муҳаббатга.

Бироз вақт ўтиб, Аллоҳ Муҳаббатга шифо берди. Бугунги кунда у ўзини яхши ҳис қилаёпти. Руҳи сеҳру дуодан тозаланди. Бир неча кун олдин уни зиёратгоҳда учратдим. Қалбида бироз кўркүв бор. «Тузалганимни кўргач, ҳасад қилиб, дуохон душманим яна ёмонлик қилмас бўлгани...», — деди Муҳаббат. Унга дадда бердим.

Дуохонлик — жодугарлик. Сеҳр-жоду билан шугулланадиган одамлар макр-ҳийласидан хушёр бўлинг, азизлар!

Иброҳим НОРМАТОВ,
журналист

Тахририятдан:
Дуохонлик жодугарлик бўлса, уни ундан-да кучли ботиний таъсир билан қайтарма қилаётганларни ким деб атаймиз? Албатта, бу руҳий олам ҳодисаси. Дунёда оқ ва қора кучлар борлигини бугун компьютерда ишловчи ёш бола ҳам билади. Шунинг учун руҳшунос-шифокорлар ушбу мақола юзасидан ўз фикрларини билдиришар. Бироқ ниятнинг поклигига, руҳий мусаффоликка нима етсин. Шу сабаб мақоладан тегишли хулоса чиқаришни газетхонларнинг ўзларига қолдираемиз.

Солиқ Ва Биз

Президентимизнинг 2005 йил 14 июн куниндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ишбилармонларнинг эмин-эркин ҳаракат қилишларини кафолатлайди. Қадимдан халқ хунармандчилиги дурдоналари билан етти иклимини ром этган Шахрисабз чеварлари кўлидан чиққан камалак нусхали сўзаналар, ироқи дўпллар, юз хил рангда товланадиган каштали буюмлар, ҳар хил ёдгорлик буюмлари ички ва ташқи бозорда ўз урнини топган. Кеш халқ амалии санъати давомчиларидан бири Гулнора Одилова Франция пойтахти Парижда ўтказилган халқаро кўргазмада европалликларни лол қолдириб, махсус диплом билан тақдирланди. Ишбилармон аёл «Ташаббус-2006» кўрик танловининг финал босқичида голиб чиқиб, «Энг яхши хунарманд» деб эътироф этилди.

Самарадорлик ошди, бирок...

Туманимизда ҳалол меҳнат билан эл ҳурматини қозонган тадбиркорлар кўпчилиги. Шуниси қувончлики, улар ўзларининг давлат олдидаги бурчларини ҳам чуқур ҳис этган ҳолда солиқ тўловларини ҳам, вақтида амалга оширадilar.

Тажрибали мутахассислар Рустам Ашуров раҳбарлик қилаётган «Хисорақидроқурилиш»нинг механизациялашган колонна солиқ тўловчи масъулиятини тўғри тушунган ҳолда бюджетдан қарзларини аллақачон узиб бўлган. Солиқларни вақтида ва белгиланган меъёрларда тўлаш керак, деган талабга қатъий амал қилинаётганлиги туфайли корхона мавридсиз текширишлардан ҳам озод этилган. Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, корхона, ташкилот ва тадбиркорлар орасида солиқ тўлашдан қочиб юрган, айни пайтда бу борадаги қонун талабини бузаётганлар ҳам учраб турибди. Режа бўйича 90 дан ортиқ қисқа муддатли текширишлар ўтказилганда 86 ҳолатда қонда-бузарликлар топилганлиги, 35 шахсга нисбатан 1 миллион 138,5 минг сўм маъмурий жарима қўлланилганлиги, тўпланган ҳужжатларнинг 25 таси судга, 7 таси кўриб чиқиш учун туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛК бўлимига юборилганлиги фикримизнинг ёрқин исботидир.

Хусусий тадбиркор Хусан Раҳимов савдо дўконидан назорат касса машинасини ўрнатмасдан ўз ишини бемалол давом эттирган бўлса, Ойбек Жумаев дўконда мижозларга харид чеки берилмаган, кунлик тушум банкка топширилмаган. Бунинг устига кириш харажати бўлмаган моллар сотувга қўйилган.

Тумандаги «Бахтиёр», «Жўрабек Ислоҳ ўғли», «Мангуст», «Паризода», «Раҳимов Рустам Раҳимович» фирмалари, Файрат Қамбаровга қарашли дўкон, «Севгул» фирмаси тасарруфидидаги умумий овқатланиш шохобчаси, «Амазонит ялтироқ тошлар» масъулият чекланган жамияти ихтиёридаги дўконларда ҳам савдо пуллари назорат касса машинасиндан ўтказилмаган.

Туман коммунал хизмат кўрсатиш масъулият чекланган жамиятига қарашли автошоҳбекаг ва Шоди Шойимов номли кинотеатр ёнидаги автомобилларни пулли сақлаш жойларида ўтказилган текширишларда паттачилар томонидан ҳайдовчилардан нақд пул олиниб, ҳеч қандай чек берилмасдан 4119000 сўмлик хизмат кўрсатилганлиги маълум бўлди. Ўтказилган текширишларда «Арабон», «Берунийқурилишматериаллари» бозорларида савдо қилаётган В.Курбонов, Ё.Бозоров сингари тадбиркорлар ҳеч қандай ҳужжатсиз, сифат сертификатига эга бўлмаган молларни сотаётганлиги аниқланди ва уларга нисбатан қонуний чора кўрилди.

Жойлардан олинган хабарлар бўйича инспекция ходимларининг зийракликлари туфайли Мухтор Улугов, Абдухамид Халилов, Ахтам Хўжакулов, Тўра Мирзаевларнинг «қўлбола жувозлари», Ботир Бўриевнинг ош тузи қадоқлаш, Мустафо Жалиловнинг жўхори қаламчалари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ноқонуний цехлари топилди, фаолиятига чек қўйилди.

Даврон ЖАБОРОВ,
Шахрисабз туман
ДСИ бошлиғи

Бозор иқтисодиёти даврида мамлакатимизда катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Савдо соҳасида олиб борилаётган ислохотлар бунга яққол мисолдир. Чунки бугун хусусий дўконга кирасизми, бозордаги савдо растасидан бирор нарса харид қиласизми, иккаласида ҳам махсулотнинг сифат сертификати, яроқлилик муддатини сўраб-суриштириб олишга ҳақлисиз. Шу билан бирга харидингизга яраша чек талаб қилишингиз мумкин. Бирок истеъмолчи ҳар доим ҳам юқоридагиларни талаб қилавермайди. Ваҳоланки, бозор иқтисоди даврида кўлидан иш келади ҳам, савдонинг сир-асрорини билмайдиган ҳам бу иш билан шугулланиб келаётгани сир эмас.

Бурч ва масъулият унутилса

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан ноқонуний равишда товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қароридан барчанинг ҳаба-ри бор. Бўстонлик туман солиқ инспекцияси томонидан ушбу қарор асосида шу йилнинг ўтган даврида қатор ишлар амалга оширилди. Мақсад махсулотларнинг тегишли тартибда, белгиланган жойларда сотилишини йўлга қўйишдир. Айрим савдо нуқталарининг мута-садиларини бир неча бор огоҳлан-тиришимизга қарамай, улар ўз фойдаларини кўлаб, биланларини қилмоқдалар. Аммо қонун но-жўя хатти-ҳаракатни асло кечир-маслигини барчамиз яхши била-миз. Ходимларимиз Товоқсой кўргонидидаги хусусий фирма ва дўконларда бўлишганда, «Юлдаш» МЧЖнинг раҳбари Ю.Сартаевнинг 95.600 сўмлик 28 турдаги товар-ларни ҳеч қандай ҳужжатсиз, рух-сат этилмаган жойда сотаётганли-ги аниқланди.

Чимбойлик қишлоғида яшовчи Х.Ражабова эса 43 турдаги 208.630 сўмлик товарларни ҳеч қанақа ҳуж-жатсиз ва рухсат этилмаган жой-да сотиб ўтирганлиги аниқланди.

«Элга хизмат — олий ҳиммат» дейдилар. Шундай экан, бу хиз-

матни ҳалол адо этишни унутмай-лик. Ўз манфаатини ўйлаб иш кўрувчи олғирлар озгина бош қотириб, ўзларининг ўрнига истеъ-молчини қўйиб кўришса, рухсат этилмаган махсулотларни сотиб, мижозлар соғлигини хавф остига қўймаган бўлишарди.

Жорий йилнинг 1 июнигача бун-дай қонунбузарликлар сони 57 тани ташкил этиб, 8 млн. 197 минг 800 сўмлик товарлар олиб қўйил-ди. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 сентябр куниндаги «Спирт, алкогольли махсулотлар ва тамаки махсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқ-да. Жумладан, текширишлар нати-жасида қонунбузарлардан 142 минг 200 сўмлик махсулотлар да-лелий ашё сифатида олинди. Ис-тардикки, элга хизмат қилаётган савдо ходими ўз бурчи ва масъу-лиятини унутмас.

Ш.УМАРОВ,
Бўстонлик тумани солиқ инспек-цияси инспектори

икки тоифага бўлинади. Биринчи тоифага молиявий-ҳўжалик фаолиятини амалга оширган корхоналар, иккинчи тоифага эса молиявий-ҳўжалик фаолиятини амал-га оширмаган корхоналар киради.

Низомда ҳар иккала тоифага мансуб корхоналарни ихтиёрий тугатиш тартиб-лари белгилаб қўйилган. Масалан, мо-лиявий-ҳўжалик фаолиятини амалга оширган тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий равишда тугатишда қатор им-тиёзлар берилди. Хусусан, корхонани ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги муассис-лар-катнашчилар қарорини рўйхатдан ўтказган идора хабардор қилинган кун-дан эътиборан қуйидаги тадбирларни амалга оширади.

Корхонанинг молиявий-ҳўжалик фа-олияти тўхтатилади. Иккинчидан, ер соли-ғи, ягона ер солиғи, мулк солиғи, сув манбаларидан фойдаланганлик учун солиқ, шунингдек, барча турдаги солиқ-лар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйи-

асосан молиявий-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаган тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланилади. Бундай субъектларни тугатишда қуйида-ги ҳолат ва тартибларга амал қилини-ши шарт эканлигини билиш ва уларга риоя қилиш зарур.

Корхонани ихтиёрий равишда туга-тиш тўғрисидаги қарор қабул қилинга-нидан кейин муассис-катнашчи ўз кор-хонасини рўйхатдан ўтказган идора би-лан банкни бу ҳақда хабардор қилади. Бундан ташқари, рўйхатдан ўтказувчи идорага тугатиш тўғрисида матбуотда эълон чиққан санадан эътиборан бир ой-дан ортиқ бўлмаган муддатда эълон чиққан газета ёки журнал сони, давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳ-нома, муассислар ўртасида мол-мулк-нинг тақсимланганлиги тўғрисидаги қарорнинг нусхаси, корхона муҳри ва штамплар-тамгалари ҳамда ҳужжатлар-нинг архивга топширилишига доир маъ-

Тадбиркорларга янги ҳуқуқ ва имтиёзлар

Президентимиз томонидан 2007 йилнинг 27 апрелида қабул қилинган «Тадбиркорлик субъект-ларини ихтиёрий тугатиш ва улар-нинг фаолиятини тўхтатиш тарти-бини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга биноан амалдаги йилнинг 1 июлидан эътиборан тадбиркорлик субъект-лари — хусусий корхоналар, фир-малар, дўконлар ва цехларини их-тиёрий равишда тугатишда анча соддалаштирилган тартиб ва қоидалар кучга киради. Қарорга мувофиқ махсус Низом қабул қилинди.

Табиийки, ўринли савол тугилади: бу янгилик нималардан иборат? Бунга Мир-заобод тумани Давлат солиқ инспекция-си бошлиғи Баҳодир Йўлдошевдан қуйи-дагича жавоблар олдик:

— Мазкур Низомга кўра, корхоналар

ча устама жарималар (пенялар)ни ҳисоб-лаб ёзиш тўхтатиб қўйилади. Мол-мулк, тайёр махсулот қолдиқлари ва бошқа ак-тивларни сотишда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар амалдаги сотув нар-хларига асосланган ҳолда ва амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилади ва тўлана-ди.

Учинчидан, кредиторларнинг талаблари-ни қондириш бўйича илгари кўрилган чо-ралар бекор қилинади.

Тўртинчидан, корхонанинг таъсис ҳуж-жатларига ўзгартиришлар киритиш таъқ-қиланади.

Бецинчидан, мол-мулкни бегоналашти-риш билан боғлиқ бўлган ёки мол-мулкни учинчи шахслар томонидан фойдаланили-ши тўғрисидаги битимлар фақат мазкур қарорга мувофиқ ҳолда тасдиқланган Ни-зом талаблари асосида амалга ошири-лади.

Иккинчи гуруҳга тааллуқли тартиблар

лумотномаларни тақдим этади.

Корхона томонидан банк муассаса-сида рақами очилмаганлигини тасдиқ-ловчи маълумотнома солиқ идоралари томонидан рўйхатдан ўтказувчи идора-га тақдим этилган тақдирда бу идора давлат реестрига тегишли ёзувларни киритади ва бир ҳафта муддатда қуйи-даги ишларни бажаради: биринчидан, корхона тугатилганлиги тўғрисида солиқ хизмати ва статистика идоралари-ни хабардор қилади. Иккинчидан, корхона муҳри ва тамгаларини ички ишлар бўлимига йўқ қилиш учун топши-ради. Учинчидан эса Ўзбекистон Рес-публикаси Халқ банкининг корхона жойлашган ҳудуддаги филиалини унинг тугатилганлиги тўғрисида хабар-дор қилади. (h)

Сўхбатдош:
Пиримқул ДўСТМАМатов,
«Ishonch» муҳбири

Тезкор хабарлар

НОҚОНУНИЙ САВДО

Республика Бош про-куратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жи-ноятларга, жиноий даро-мадларни легаллашти-ришга қарши курашиш департаментининг Тош-кент вилояти Ўртачирчик туман бўлими ходимлари ўтказган тадбирда туман ҳудудидаги «Қорасув» ИПХ постида Тошкент-Тўйтепа йўналиши бўйи-ча кетаётган АВИА-А311КС русумли автомо-бил тўхтатилди. Унинг юкхонаси кўздан кечи-рилганда, у ерда фуқаро Ж.Абдурасулова тегиш-ли бўлган, чет элда иш-лаб чиқарилган 7 530 000 сўмлик «Рукова по-жарные Д.51» шланглари борлиги аниқланди. Ушбу товарларнинг ҳуж-жатлари сўралганиа, у «Stroy servis-ort» МЧЖдан Жиззах шаҳридаги «Про-фессинал» ХФ номига 2007 йил 23 феврал кунини ёзиб берилиб бир то-монлама муҳрланган 215ср-сонли ҳисоб-фак-тура ва 0483166-сонли мувофиқлик сертифика-тини тақдим этган.

Олиб берилган терго-волди ҳаракатлари даво-мида «Профессинал» ХФ умуман фаолият олиб бормаётганлиги маълум бўлди.

Мазкур ҳолат юзаси-дан Ж.Абдурасулов ва «Stroy servis-ort» МЧЖ мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Н.ЎТАНБОЕВ,
Бўлим бошлиғи

ИШОНЧНИ ОҚЛАМАДИ

СВОЖДЛКК департа-ментининг Ўртачирчик туман бўлими ходимлари минерал ўғит, чигит ва нефт махсулотларидан мақсадли фойдаланишга оид қонунлар ижроси юзасидан текширув ўтказганида, «Кучлук-нефтбазаси» унитар кор-хонасига қарашли «Гулистон» номли 58-сон-ли фермерларга ёқилги тарқатиш шохобчасида 763 406 сўмлик 1528 кг дизел ёқилғиси камома-дига йўл қўйилганлиги аниқланган. Ваҳоланки, бу ишларни юритиш ва моддий жавобгарлик ФЁТШ бошлиғи Р.Манс-уровга ишониб топширил-ганди. Оқибатда, у ҳам қилмишига яраша жазо-сини олди.


А.ЭСОНОВ,
катта суриштирувчи

ISHONCH TV

2-8 июл

Душанба


2




5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тахлилнома».

20.05 «ТВ шифокор». 20.10 «Уч бека». Телесериал премьераси (Туркия)

11.55 Дастурнинг очилиши. 12.00 «ДАВР».



18.55 «Иклим». 19.00 «ДАВР». 19.30 «Мухаббат ва эхтирос».



17.50 Курсатувлар тартиби. 17.55 Мультфильм «Шумтакалар».




18.00 «Болалар спорти». 18.20 «Муслик тайм».

19.10 «Жди меня». 20.00 «Чужие тайны». 20.50 «Футбол шархи».



04.00 Новости. 04.05 «Доброе утро». 08.00 Новости. 08.20 «Малахов +».



00.00 «Доброе утро, Россия!». 03.00 Т/с «Государственная граница».

09.40 М/с «Том и Джерри. Детские годы». 10.05 Т/с «Марш Турецкого».



00.00 «Сегодня утром». 02.10 «Следствие вели...» 03.05 Т/с «Воскресенье в женской бане».



07.00 Победоносный голос. 07.30 М/ф.


14.00 Растительная жизнь. 14.30 Самые смешные моменты жизни. 15.00 Х/ф «Угрошение строптивой».



07.00 М/с «Семейка Тофу». 07.45 М/ф «Чемпион». 07.55 М/с «Смешарики».

Сешанба


3



5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

20.00 ТВ анонс. 20.05 «ТВ шифокор». 20.10 «Уч бека».

6.55 Дастурнинг очилиши. 7.00 «ЯНИ ТОНГ».



16.15 «Бу байрам - барчамизнинг». 16.20 «Ватанларвар».



7.25 Курсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!»

17.50 Курсатувлар тартиби. 17.55 Мультфильм «Шумтакалар».

21.50 «Телекурер - маркет». 22.10 «Эх, Фирдавс!»



7.00 «Доброе утро». 8.00 «Хабарлар» (рус. тилида)

18.00 «Болалар спорти». 18.15 «Муслик тайм».



04.00 Новости. 04.05 «Доброе утро». 08.00 Новости. 08.20 «Малахов +».

23.10 Новости. 23.30 «На ночь глядя».



00.00 «Доброе утро, Россия!». 03.00 Д/ф «Советский монах. Амврий-воин».




00.00 «Сегодня утром». 02.10 Т/с «Чужое лицо».

16.45 «Сегодня». 17.10 Т/с «Зона».




07.00 Победоносный голос. 07.30 М/ф. 10.00 Х/ф «Западный».



Профилактика. 15.00 М/с «Смешарики». 15.05 М/с «Соник Икс».

Чоршанба

4



5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

20.50 Дунё иқлими. 21.00 «Ахборот». 21.35 ТВ анонс.

YOSHLAR

6.55 Дастурнинг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ». 9.00 «Даврининг боласи».

6.55 Дастурнинг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ». 9.00 «Даврининг боласи».

риал. 18.20 «Кино-SMS». 18.25 «Истикбол тимсоллари».



7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 Салом, Тошкент! Кўнгилочар инфор- мацион мусикий дастур.

SPORT

7.00 «Бодрое утро». 8.00 «Хабарлар» (рус. тилида) 8.20 Мультфильм.

7.00 «Бодрое утро». 8.00 «Хабарлар» (рус. тилида) 8.20 Мультфильм.

ROSSIA

00.00 «Доброе утро, Россия!» 03.00 Д/ф «Убить Гитлера». Фильм 1.

ПЕРВЫЙ

04.00 Новости. 04.05 «Доброе утро». 08.00 Новости.

ROSSIA

00.00 «Доброе утро, Россия!» 03.00 Д/ф «Убить Гитлера». Фильм 1.

НТВ

00.00 «Сегодня утром». 02.10 Т/с «Чужое лицо».

ТВ-3

07.00 Победоносный голос. 07.30 М/ф.

СТС

07.00 М/с «Семейка Тофу». 07.45 М/ф «Наш друг Пишичитай».

Пайшанба

5



5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

23.00 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бе- рил) 23.10 «Икки тақдир».

YOSHLAR

6.55 Дастурнинг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ». 9.00 «Даврининг боласи».

6.55 Дастурнинг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ». 9.00 «Даврининг боласи».

19.00 «ДАВР». 19.30 «Муҳаббат ва ахтирос». Серил.



7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар инфор- мацион мусикий дастур.

SPORT

7.00 «Бодрое утро». 8.00 «Хабарлар» (рус. тилида) 8.20 Мультфильм.

10.20 «Жирафы: узм сосуществования». Доку- ментальный фильм.

ПЕРВЫЙ

04.00 Новости. 04.05 «Доброе утро». 08.00 Новости.

08.00 Т/с «Закон». 09.00 «Вести». 09.20 «Местное время. Вести - Москва».

НТВ

00.00 «Сегодня утром». 02.10 Т/с «Чужое лицо».

Франция). 12.00 Х/ф «Следопыт». 14.00 Растительная жизнь.

СТС

07.00 М/с «Семейка Тофу». 07.45 М/ф «Наш друг Пишичитай».

Жума

6



5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

21.35 ТВ анонс. 21.40 «Муқаддас қадамжолар».



6.55 Дастурнинг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ».

КОФОЗИ». 18.20 «Автопатруль».



7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар



7.00 «Бодрое утро».

18.00 «Болалар спорти».



04.00 Новости. 04.05 «Доброе утро».



00.00 «Доброе утро, Россия!» 03.00 Д/ф «Генерал Скобелев».



00.00 «Сегодня утром».

20.40 Комедия «Большая кража».



07.00 Победоносный голос. 07.30 М/ф.



07.00 М/с «Семейка Тофу».


Шанба

7



5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

00.55 Дунё иқлими. 01.00 «Ахборот».



6.55 Дастурнинг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ».

22.30 «SMS-музыка».



7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар

9.55 «Махалламиз пахлавонлари».



01.00 «Доброе утро, Россия!» 02.30 «Студия Здоровья».




00.00 Боевик «Морские дьяволы».

13.00 «Сегодня».



07.00 М/ф.



07.00 Х/ф «Рожденный в песках».

Якшанба

8

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.45 «Менинг содиқ дўстим». Бадий фильм.
10.10 «Саломатлик сирлари».
10.30 «Уч бека». Телесериал.
11.05 ТВ анонс.
11.10 «Оҳанрабо».
11.50 «Учрашув». Видеофильм.
12.50 «Саёҳатга мархабо».
13.10 «Ишдаги ишқ». Бадий фильм. 1-қисм.
14.35 ТВ анонс.
14.40 «Ишдаги ишқ». Бадий фильм. 2-қисм.
15.45 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
16.35 «Шарқ тароналари». «Болалар сайёраси»:
16.45 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
17.20 «Ўзбегим ёшлари - Малайзияда». 2-қисм.
18.20 «Одами эрсанг»
18.40 «Оҳанглар огушида».
18.50 «Денгиздан томчи».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «50/50». Ток-шоу.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 ТВ анонс.
21.50 «Кўхна оҳанглар».
22.05 «Заковат».
23.00 «Сен борсан». Бадий фильм.
00.30-00.40 Тунги наволар. «Uzbekistan».
00.40 Кўрсатувлар дастури.
00.45 ТВ анонс.
00.50 «Самарқанд - 2750».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Таҳлилнома». Информацион дастур (рус)
01.30 Олтин мерос.
01.40 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
02.15 «Халқ ўйинлари».
02.35 «Заковат».
03.30 «Кўхна оҳанглар».
03.50 «Маргилон-2000».
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Таҳлилнома». Информацион дастур.
04.40 ТВ анонс.
04.45 Миллий кино: «Темир хотин». 2-қисм.
05.50-05.55 Тонгги наволар.



YOSHLAR

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 Миллий кино: «Ёйин».
8.10 «Дунё таомлари».
8.30 «Болалар давраси».
9.00 «Якшанба нонуштаси».

9.20 «Зерда». Сериал.
10.00 «ВАТАНПАРВАР».
11.00 «Journal».
11.20 «Акс». Ток-шоу.
12.00 Қишни эслаб: «Тақдир ҳазили ёки Қушдек энгил бўлинг!» Кинокомедия.
14.30 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Р. Комилов куйлайди.
15.00 «Хуш келибсиз!»
15.15 «Тараннум». Дам олиш дастури.
15.50 «Чемпион сирлари».
16.10 «Ринг қироллари».
17.00 Миллий кино: «Наҳотки сен.»
18.55 «Иклим».
19.00 «Давр ҳафта ичида».
19.30 «Табассум қил!»
19.35 «Хаёлпарастлар». Ҳажвий дастур.
19.55 «Бизнинг байрам!»
20.00 «Ниҳол» мукофоти совриндорлари туркумидан. Лола Аҳмедова.
20.30 «Афросиёб афсоналари».
20.50 «Эълонлар».
21.00 «KINOMANIYA».
21.30 Жаҳон киноси: «Сўнгги легион».
23.10 - 23.20 «Таскин»



7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар информацион мусикий дастур.
8.30 «Анонс».
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Телекуррьер - маркет».
9.35 Ёзги таътил кунларида: «Сехрли сандиқ». Мультифильм.
9.45 «Анонс».
9.50 «ТВ юрист».
9.55 «Афиша».
10.05 Кино: «Зулматни тарқатиб».
11.25 «Интервью».
11.35 «Анонс».
11.40 «Истеъдод».
11.55 «Телекуррьер-маркет».
12.15 «Музыка SMS».
12.35 «Анонс».
12.40 «ТВ юрист».
12.45 Дни летних каникул: «Бэмби 2». Мультифильм.
14.00 «Дорихона эшитида» / рус/.
14.45 Кино: «Мистер Бин на от-дўхе».
16.05 «Анонс».
16.10 «Саргузаштлар ороли».
16.35 «Мулоҳаза учун мавзу».
17.05 «Жозиба».
17.30 «Анонс».
17.35 Кино: «Вир ва Зара» 1-2 қисмлар. /Хиндистон/.
20.30 «Телекуррьер - маркет».
20.50 «Туризм ҳақида»/рус/.
21.20 «Анонс».
21.25 Кино SMS со звездами: «В погоне за счастьем».
«Кровавый алмаз».
«Лара Крофт расхитительница гробниц».

23.15 - 23.20 «Хайрли тун, шахрим».



7.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (рус тилида)
9.15 «Непутёвые заметки».
9.35 «Пока все дома».
10.25 «Фазенда».
11.00 «Кувнок стартлар».
11.40 Шахмат бўйича Осиё биринчилиги кундалиги.
11.50 Теннис. Уимблдон турнири.
13.50 «Файзли ошхона».
14.15 - 15.05 ПРОФРИНГ.

17.00 Футбол. Осиё кубоги кундалиги.
17.30 Футбол. Осиё кубоги. Вьетнам-БАА. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
19.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
20.00 Футбол. Осиё кубоги. Австралия-Уммон.
21.30 «Талкин». Информационно-таҳлилий кўрсатув.
22.00 Смешное кино: «Новичок». Художественный фильм.
23.40 Футбол. «Копя Америка».
1.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПЕРВЫЙ

05.00 Новости.
05.10 «Шутка за шуткой».
05.40 Детектив «За все надо платить». (Россия).
07.00 «Армейский магазин».
07.30 М/с «Черный плащ».
08.20 «Зверинец».
09.00 Новости.
09.10 «Непутевые заметки».
09.30 «Пока все дома».
10.20 «Фазенда».
11.00 Новости.
11.10 «Живой мир». «В глубинах океана».
12.20 Х/ф «Зимний вечер в Гаграх». (СССР).
14.00 Х/ф «Спорт, спорт, спорт».
15.40 «Большой спор».
17.00 «Времена».
18.00 Д/ф «Королевы красоты. Жизнь за корону».
19.00 «Кто хочет стать миллионером?»
20.00 Воскресное «Время».
20.50 Триллер «Люди X». (США).
22.40 Бокс. Бой сильнейших профессионалов мира. Рикки Хаттон - Хосе Луис Кастильо.
23.40 Х/ф «Противостояние». (США).

01.30 Детектив «Попробуй, поймай меня».
02.50 Т/с «Битва за галактику»

РОССИЯ

01.00 Х/ф «След в океане».
02.30 «Сельский час».
03.00 «Вести».
03.10 «Местное время. Вести - Москва».
03.20 Комедия «Потрясающий Берендеев».
04.35 Х/ф «На берегу большой реки».
06.00 «Вести».
06.10 «Местное время. Вести - Москва».
06.20 М/ф «Следствие ведут Колобки».
06.30 Х/ф «Перехват».
08.15 «Парламентский час».
09.00 «Вести».
09.20 «Фитиль №140».
10.00 «Вести. Дежурная часть».
10.35 «Честный детектив».
11.05 Х/ф «Желтый карлик».
13.10 «Опера. Хроники убойного отдела».
15.00 «Вести недели».
16.00 Х/ф «Кактус и Елена».
18.05 Х/ф «Крупная ставка». (США).
20.15 Х/ф «День полнолуния».
22.15 Т/с «Взгляды». (США).
23.00 Канал «Евроныос».

ТВ-3

23.50 Фильм-сказка «Золушка».
01.10 М/ф: «Крокодил Гена», «Чебурашка», «Чебурашка идет в школу».
02.00 «Сегодня».
02.15 Лотерея «Русское лото».

02.40 «Дикий мир».
03.05 «Счастливые рейсы».
04.00 «Сегодня».
04.20 «Едим дома».
04.55 «Живая легенда». И. Глазунов.
05.55 «Тор Gear».
06.30 «Чрезвычайное происшествие».
07.00 «Сегодня».
07.25 «Москва - Ялта - транзит». Фестиваль юмора.
09.25 Д/с «Победившие смерть».
10.00 «Сегодня».
10.25 «Один день. Новая версия».
11.00 «Своя игра».
11.55 Т/с «Кодекс чести 2».
13.00 «Сегодня».
13.40 «Чистосердечное признание».
14.10 «Кремлевские жены: Надежда Крупская. Замужем за революцией».
15.05 Т/с «Иное».
17.00 Т/с «Рим». (США).
19.05 Теннис. Уимблдонский турнир. Финал. Мужчины.
21.05 «Криминальная Россия».
21.55 Комедия «Ворчливые старики». (США).
23.35 «Профессия - репортер».

07.30 Жизнь, полная радости.
08.00 М/ф.
10.00 Х/ф «Спасатели в Австралии». (США).
11.30 Х/ф «Республика ШКИД».
13.30 Х/ф «Достоиние республи».

лики».
16.45 Х/ф «Отец невесты 2». (США).
19.00 Т/с «Числа», 2 с.
20.00 Х/ф «Глушитель». (Канада).
21.45 Х/ф «Моя большая армянская свадьба».
00.00 Т/с «Крадущийся в ночи», 6 с.
01.00 Х/ф «Двойной удар». (США).
03.00 Культ личности.
06.00 Релакс.

СТС

07.00 Х/ф «Приключения волшебного гуся».
08.20 М/ф «Каштанка».
08.55 М/с «Итси-Битси паучок».
09.20 М/с «Смешарики».
09.30 М/с «Просто Норман».
10.00 М/с «Улица Сезам».
10.30 М/с «Флиппер и Лопак».
11.00 «Самый умный».
13.00 Т/с «Кадетство».
15.00 «Снимите это немедленно».
16.00 «Мать и дочь».
17.00 Истории в деталях.
17.30 «6 кадров».
18.10 Т/с «Операция «Цвет нации», ч. 4».
22.00 Х/ф «Свадебный переполох».
00.05 «Слава Богу, ты пришел!»
01.25 Х/ф «Дурная кровь».
03.35 Х/ф «Берегись, мерзавец».
04.55 Х/ф «Просто, как смерть».

Олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртлари, халқ таълими муассасалари раҳбарлари диққатига!

IQTISOD-MOLIYA нашриёти профессор М.Остонакуловнинг куйидаги дарслик ва қўлланмаларини чоп қилишни бошлади:

- Бухгалтерия ҳисоби назарияси (дарслик) (2-нашр)
- Бухгалтерский учет в бюджетных организациях (пособие)
- Бухгалтерия ҳисоби (Мактаб бухгалтерияларига ёрдам)
- Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби (қўлланма)
- Buxgalteriya hisobi nazariyasi (darslik) (2-nashr)
- Бюджет ҳисоби (дарслик)
- Byudjet hisobi (darslik)

Юқоридаги дарслик ва қўлланмаларни сотиб олишни хоҳловчи юридик ва жисмоний шахслар нашриёт билан шартнома тузишлари ва пул ўтказилгандан сўнг 20 кун ичида шартномада кўрсатилган дарслик ва қўлланмаларни олиб кетишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар:
(8-371)-134-76-05 (факс);
(8-371)-111-76-91

TV-MARKAZ

Душанба 2

07.00 «Премьера» (узб)
07.30 Узбек наволари
08.00 «Премьера» (рус)
08.30 «Сайилгоҳ»
08.45 Мировые хиты
09.45 Узбек наволари
11.00 «До первого снега» худ.фильм
12.50 Мировые хиты
13.30 «Миссия неповторима»
14.00 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 «Бэби хитс» (Болалар куйлаганда)
16.00 Узбек наволари
17.00 «Навбат» Рашид Холиков билан
17.40 Узбек наволари
18.00 «Премьера» (узб)
18.30 «Кулинар фантазиялари»
19.00 «Премьера» (рус)
19.30 Сериал «ВА-БАНК»
21-серия
20.50 Мировые хиты
21.00 Узбек наволари
22.00 Комедия по понедельникам «НУ, ЧТО ПРИЕХАЛИ!» худ. фильм
23.50 Миксер

Сешанба 3

07.00 Узбек наволари
08.00 Марказ NEWS (узб)
08.10 Узбек наволари
09.00 Сериал «Ва-банк»
21-серия
10.20 «Премьера» (узб)
10.50 Узбек наволари
11.00 «Ну, что-приехали» худ.фильм
12.50 Мировые хиты
13.00 «Юлдузли пайшанба»
13.30 Узбек наволари
14.00 Марказ NEWS (рус)
14.10 Мировые хиты
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 «Бэби хитс» (Болалар куйлаганда)
16.00 Узбек наволари
17.00 «Топ-20»
17.45 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб)
18.10 Узбек наволари
19.00 Сериал «ВА-БАНК»
22-серия
20.20 «Сайилгоҳ»
20.35 Узбек наволари
21.00 «Великолепная семёрка»
21.30 Узбек наволари
22.00 «ДЕНЬ НЕЗАВИСИМОСТИ» худ.фильм
00.50 Миксер

Чоршанба 4

07.00 Узбек наволари
07.30 «Премьера» (рус)
08.00 Марказ NEWS (рус)
08.10 «Навбат» Рашид Холиков билан
08.50 Узбек наволари
09.00 Сериал «Ва-банк»
22-серия
10.20 Мировые хиты
10.30 Узбек наволари
11.00 «День независимости» худ.фильм
13.50 Мировые хиты
14.00 Марказ NEWS (узб)
14.10 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 «Бэби хитс» (Болалар куйлаганда)
16.00 Мировые хиты
17.00 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (рус)
18.10 «Кулинар фантазиялари»
18.40 Узбек наволари
19.00 Сериал «ВА-БАНК»
23-серия
20.20 Узбек наволари
21.00 «Миссия неповторима»
21.30 Узбек наволари
22.00 Киноколлекция «МИМИНО»
23.50 Миксер

Пайшанба 5

07.00 Узбек наволари
08.00 Марказ NEWS

(узб)
08.10 Мировые хиты
09.00 Сериал «Ва-банк»
23-серия
10.20 Узбек наволари
11.00 «Мимино» худ.фильм
12.50 Мировые хиты
14.00 Марказ NEWS (рус)
14.10 Мировые хиты
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 «Бэби хитс» (Болалар куйлаганда)
16.00 Узбек наволари
17.00 «Великолепная семёрка»
17.30 Мировые хиты
18.00 Марказ NEWS (узб)
18.10 Узбек наволари
19.00 Сериал «ВА-БАНК»
24-серия
20.20 Узбек наволари
21.00 «Юлдузли пайшанба»
21.30 «Премьера» (узб)
22.00 «МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК» бадий фильм
23.40 Миксер

Жума 6

07.00 Узбек наволари
08.00 Марказ NEWS (рус)
08.10 «Топ-20»
09.00 Сериал «Ва-банк»
24-серия
10.20 Узбек наволари

11.00 «Миллий хавфсизлик» бадий фильм
12.40 Мировые хиты
13.00 Узбек наволари
14.00 Марказ NEWS (узб)
14.10 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 «Бэби хитс» (Болалар куйлаганда)
16.00 Узбек наволари
17.00 Мировые хиты
18.00 Марказ NEWS (рус)
18.10 Узбек наволари
18.45 Мировые хиты
19.00 Узбек наволари
20.00 «Судьбы-Так-дирлар»
20.30 Узбек наволари
21.00 «Кинокуррьер»
21.30 «Премьера» (рус)
22.00 «ПОЙМАЙ И ОТПУСТИ» худ.фильм
00.10 Миксер

Шанба 7

07.00 Узбек наволари
08.00 Марказ NEWS (узб)
08.10 Узбек наволари
09.00 Мировые хиты
09.30 «Кинокуррьер»
10.00 Узбек наволари
11.00 «Поймай и отпусти» худ.фильм
13.10 Мировые хиты
14.00 «Премьера» (узб)
14.30 Узбек наволари

15.00 Теленяня
16.20 «Бэби хитс» (Болалар куйлаганда)
16.40 Мировые хиты
17.00 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб)
18.10 Узбек наволари
19.00 Мировые хиты
20.00 Узбек наволари
21.00 «Навбат Рашид Холиков билан»
21.40 Узбек наволари
22.00 Индийское кино «В ЛОВУШКЕ»

Якшанба 8

07.00 Узбек наволари
08.00 Марказ NEWS (рус)
08.10 Мировые хиты
09.30 Узбек наволари
11.00 Индийское кино «В ловушке»
14.00 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 «Бэби хитс» (Болалар куйлаганда)
16.40 Узбек наволари
16.30 «Премьера» (рус)
17.00 Узбек наволари
17.30 «Юлдузли пайшанба»
18.00 Марказ NEWS (узб)
18.10 Узбек наволари
18.30 Мировые хиты
19.30 Узбек наволари
21.00 «Топ-20»
21.45 Мировые хиты
22.00 «КРОВЬ И ШОКОЛАД» худ.фильм
23.50 Миксер

XX аср ҳалокатлари

1977 йил. Туманли кунларнинг бирида Канар оролларидаги кичик аэропортидаги ягона учиш-кўниш йўлагидики иккита улкан ҳаво кемаси тўқнашиб кетди. Оқибатда олти юзга яқин киши ҳалок бўлди. Бу жаҳон авиацияси тарихидаги энг даҳшатли фалокатлардан бири эди.

«ПанАмерикан» АКШ авиакомпаниясининг учувчиси Виктор Грабс учини учун команда беришларини кутиб ўзининг «Боинг-747» самолётини Лос-Родос аэропортига учиш йўлига томон секин бошқариб борарди. Улкан самолёт старт жойига яқинлашганида у кўз олдида намён бўлган манзарага ҳеч ишонгиси келмади. Қарама-қарши томонда, 350 ярд узоқликда туман орасидан Голландиянинг КЛМ компаниясига қарашли бошқа бир «Боинг»нинг чироклари кўринди.

Аваллига капитан Грабс ва экипаж аъзолари у самолёт шунчаки жойида турган бўлса керак деган ўйга боришди. Бироқ чироклар борган сари ёрқинроқ нур таратишидан учувчилар голланд самолёти соатига 160 мил тезликда улар томон елиб келаётганини англаб, даҳшатга тушишди.

«Биз ҳали учиш йўлагидамиз! — кичкирди Грабс диспетчерларга. — У нима қилаёпти? Хаммамизни гўрга тикади-кў!».

Иккинчи учувчи Роберт Брег эса унга: «Четга чиқ! Йўлдан четга чиқ», — деб бақирди.

Капитан Грабс йўлакдан кўкаламзорга чиқиш учун самолётни кескин чапга бурди, лекин бир неча секундга кечикди. Тумшуғи эндигина ердан кўтарилган КЛМ лайнери қаноти билан «Пан Американи» «Боинг»нинг ўнг бортини йиртиб юборди. Бир лаҳзада учиш-кўниш йўлаги пачоқланган металл бўлаклари билан қопланди. Ёнилғи бақлари портлади. Самолётларнинг қорпуслари ловуллаб ёна бошлади. Голландия ва АКШнинг 583 нафар фуқароси 1977 йил 27 март кўни юз берган мазкур авиалоқатнинг қурбони бўлишди.

ТАҚДИР ТАҚОЗОСИГА КўРА...

Тўқнашган иккала самолёт учувчилари ҳам минтақада иккинчи даражали ҳисобланувчи Лос-Родос аэропортига кўнишни мутлақо ҳаёлларига келтиришмаган эди. Самолётлар аэродроми нисбатан замонавийроқ асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, Лос-Родосдан 70 мил узоқликда жойлашган Лас-Палмас шаҳрига учишганди. Бироқ террорчилар Лас-Палмас аэропортида бомба портлатишди. Хавфсизликни таъминлаш учун лайнерларга Тенерифега кўниш буюрилганди.

Голланд лайнерининг бортида таътилни серкўёш Лас-Палмасда ўтказиш иштиёкида бўлган 283 киши бор эди.

«Пан Американи» самолёти



саёҳатини «Олтин Одиссей» теплоходида давом эттириш учун йўлга чиққан 380 кишини олиб кетаётганди.

Маршрут ўзгаришига арзиманган ноқулайлик сифатида қаралиб, иккала самолёт ҳам одатдагидек ерга кўнди.

Капитан Виктор Грабс ўз лайнерини терминалга олиб келиб бошқа бир «Боинг-747», КЛМ компаниясининг ушбу типдаги ҳаво кемалари бўйича бош инструктори капитан Якоб Луис Велдхюзен ван Зантен бошқарётган «Рейн» самолёти ёнига қўйди.

«Рейн»га ёнилғи қўйиб бўлингач капитан ван Зантен учишга рухсат сўради. Лос-Родос аэропортида амалда бўлган қоидаларга кўра самолёт учиш учун майдоннинг жануби-шарқий бурчагига олиб ўтилиши мумкин эди. Лекин Лас-Палмасдаги фавқулодда ҳолат боис бу ер самолётлар билан тўлганди. Шунинг учун диспетчер КЛМ самолётига

учиш йўлагининг бошига боришга рухсат берди.

Йўлнинг охирида Велдхюзен лайнерни 180 градусга буриб, учиш учун тайёрланди. Бир пайтнинг ўзида диспетчерлар Грабсга ҳам самолётини учиш йўлагининг бошига олиб боришга рухсат бериб, КЛМ лайнери учун йўлакни очиқ қолдириш мақсадида учинчи чиқиш йўлидан чапга бурилишни буюришди. Бир неча дақиқадан сўнг диспетчерлар ундан бурилдинми дея сўрашди. Грабс улгурмаганини айтганида улар: «Бурил ва йўлни бўшатганингни айт», — деб тайинлашди.

Лекин лайнер диспетчерларга ҳам, «Рейн» учувчиларига ҳам кўринмасдан туман ичра учиш йўлаги бўйлаб ҳаракатланишда давом этди. «Рейн» командаси охириги марта эфирга чиқди:


«КЛМ... Биз учишга тайёрмиз».

Грабснинг нўноқлиги боис келиб чиққан воқеалар бошланди. КЛМ лайнери туман ичидан ёриб чиқиб, тўғри «Пан Американи» самолёти томон елиб кетди...

Тўқнашув

«Рейн» «ПанАмерикани» самолёти иккинчи класс секциясининг олдинги қисмига бориб урилди, унинг ўнг қаноти эса бодрингни арчигандай учувчилар кабинасининг томини кесиб ташлади. Иккига бўлинган ва аланга қоплаган «Пан Американи» лайнери учиш йўлагининг ўнг томонида қолди. Бир секунддан сўнг голланд самолёти ерга урилди, уч юз ярдча йўл юриб тўхтади. Деярли шу лаҳзада даҳшатли портлаш эшитилиб, оловли шар қўкка интилди — ҳозиргина ёнилғига тўлдирилган бақлар портлаган эди.

«Рейн»нинг барча йўловчилари ҳалок бўлди. Зарба ҳамда портлашдан ҳосил бўлган олов



Туман ичра

Тўқнашув

шу даражада кучли эдики, иккала самолётнинг ҳам пўлат ва алюмин қисмлари сувдай эриб тушди.

Америка самолётининг бортида қиёмат кўпгандай эди. Ҳар томондан учқун сачрар, олов эса мисли кўрилмаган тезликда тарқаларди. Одамларнинг бир қисми ҳалок бўлган, тирик қолганлари эса кўрқувдан мажолсиз ҳолда эдилар. Ҳамма ўз жонини қутқаришни ўйларди. Бироқ ўттиз уч нафар жасур бизнесмен Эдгар Рид ўзини йўқотмай, эвакуацияни ташкиллаштиришга уринди. У стоардессага кутқарув солига даъво солиш ва ерга туширишга ёрдамлашди. Ёнаётган самолёт ичидаги йўловчилар унга сакрай бошладилар.

ҚАҲРАМОНЛИК

Шу кўни Лос-Родос аэропортида қаҳрамонлик кўрсатганлар кўп бўлди. Ёнаётган металл парчалари самолёт атрофига дўлдай ёғилаётган бир пайтда Жек Даниэл хотини ва қизининг хавфсиз жойга ўтиб олишларига ёрдам берди. Кейин у йўқолиб қолди. Кўрқиб кетган аёл одамлардан оқ костюмли эркекни кўрмадингизми деб сўраштира бошлаганида кимдир у одам ёрдам сўраган бир аёлни қутқариш учун унинг ёнига шошилганини айтиб қолди. Бироқ ўша заҳоти қулқонни қоматга келтириб портлаш овози эшитилди ва иккаласи ҳам ҳалок бўлишди.

Аэропорт яқинидаги госпиталнинг врач ва ҳамширалари ярадорларни қутқариш ишларига киришдилар.

Авиалоқат ҳақидаги хабарни эшитибок навбатчиликдан озод этилган ходимлар ҳам иш жойига шошилди. Госпиталдаги ўринлар етмай қолганидан кўпгина жабрдийдалар полга ётқизилган эди. Ҳамширалар оғриқ қолдирувчи дори тарқатар, врачлар эса шошилган операцияларга киришиб кетишганди.

Жиддий жароҳат олмай тирик қолганлар аэропорт залларида тўпланишди. Уларга одеял ва оғриқ босувчи дорилар беришди. Баъзи йўловчиларнинг кийимлари ёниб кетган эди. Ҳар ким ўзининг тирик қолиши ҳақида мўъжиза тўғрисида гапиргандай гапирарди.

ҲАЛОКАТ САБАБЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Бу пайтда ўнлаб аскарлар ва полициячилар ёниб кетган самолётлар қолдиқларини қараб чиқиб, ҳалок бўлганларнинг жасадларини олиб чиқишди.

Ҳалокат сабабларини ўрга-

ниш учун АКШ, Голландия ва Испаниядан авиация экспертлари гуруҳ-гуруҳ бўлиб етиб келишди. Дастлаб аэропортдаги ҳаво ҳаракатини тартибга солувчи диспетчерлар фалокатга алоқадорликда гумон қилинди. Улар халқаро рейсларга хизмат қилувчи диспетчерлик хизматида умум қабул қилинган муомала воситаси — инглиз тилини яхши билмасликлари ҳақида миш-миш тарқалди. Аммо ҳалокат пайтида бошқарув пултида бўлган учала диспетчерни экспертлар текшириб кўрганидан сўнг миш-мишларга ўрин қолмади. Улар йўриқномани инглиз тилида сўзма-сўз қайтаришди. Учиш вақтида ҳам вазифасини тўғри бажаришган эди.

Кейин экспертлар капитанлар Грабс ва Велдхюзен ван Зантеннинг ҳаракатларини текшириб чиқишди.

Аваллига голланд экспертлари ўз вақтида учиш-кўниш йўлагидан чиқиб кетмаган америкалик учувчини айбладилар. Йўлак охирида тўртта чиқиш йўли бўлиб, С-1, С-2, С-3, С-4 деб белгиланган эди. КЛМ компанияси вакилларининг фикрига кўра, Грабсга С-3 га бурилиш буюрилган бўлиб, у топшириқни бажарганида ҳеч қачон ҳалокат содир бўлмади.

Бироқ америкаликлар бунга қарши далилларни илгари сўришди. «Пан Американи» компанияси вакилининг гапига қарганда, С-1 ишламаган, С-3 га бориб қайрилиш учун эса Грабс жуда мураккаб бурилишни амалга ошириши зарур бўлган. Шунинг учун «учинчи қайрилиш» мантиқан олганда С-4 ҳисобланган, уларнинг учувчиси эса унга етиб боришга улгурмаган.

Америкалик экспертларнинг асосий важи шу бўлди: «Пан Американи» лайнери қаерда бўлишдан қатъи назар, Велдхюзен ван Зантен диспетчерларнинг рухсатини олмасдан туриб учишни бошламаслиги керак эди. Голланд экспертлари гуру-

ҳининг раҳбари ҳам тўққиз дақиқалик магнит тасмасида КЛМ лайнерига учишга рухсат берилган ёзувни тополмаганини айтиб, барчани лол қилиб қўйди.

ЭКСПЕРТЛАРИНИНГ ХУЛОСАСИ

Ҳалокат сабабларини ўрганиш ишлари тўққиз ой давом этди. Шундан сўнг Испания ҳукумати унинг натижаларини эълон қилди.

Фалокатнинг асосий сабаби, комиссиянинг фикрича, капитан Велдхюзен ван Зантен диспетчерлик хизматининг рухсатсиз учишни бошлаганидир. Ҳисоботда қайд этилишича, ўша кўни об-ҳаво ёмон бўлган, қуюқ туман кўриш даражасини кескин пасайтирган. Лекин буларнинг бари амалдаги қоидаларга зид равишда галати ва кўрқинчли қарорга келган голланд капитанининг бўйнидан айбларни соқит қилмади.

Ван Зантендек тажрибали учувчи шундай хатога йўл қўйганига ишониш қийин. Афтидан, у Тенерифеда узоқ ушланиб қолганидан шошган бўлса керак.

Эфирдаги радиовоқитлар ҳам мулоқотни қийинлаштирган. Бироқ, ҳалокат қурбонлари учун буларнинг бари заррача ҳам аҳамият қасб этмайди...

Интернет материаллари асосида Насиба ТОЖИЕВА тайёрлади



Хикоя

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Абдуназар бова бу миш-мишга унчалик ишонқирамади, қўлини лойқа сувга нари-бери чайиб, хаёл сурган қўйи боққа кирди ва қўлидаги ҳозиргина ювилган узумдан битта-битта оғзига солганча, тут соясидаги темир кароватга бориб ўтирди. Ҳаво анча дим. Ғир этган шабада йўқ. Ён атрофни янги ўрилган йўнғичқа иси тўтиб ётибди. Абдуназар бова маржон доналаридек тизилган ҳусайини еб битиргач, чўбарасини бедапояга итқитиб юборди. Сўнг қалин тут шохлари орасидан осмонга аланглаб боқди: «Куёш тиккага келган, толтуш бўлибди...».

Абдуназар бова тиди тагидаги носни эрити-иб, кайфини туйиб ўтирарди. Бир маҳал осмондан тушдимиди, ердан чиқдимиди, шундоқ ёнида Бердиниёз чўпоннинг ўша бетайин келини пайдо бўлди:

— Ассаламалеку-ум!..

— Ваалайкум... Қани, келинг, Улбошхон, бўёқларга қайси шамол учирди?..

Абдуназар бова бир зум гарангиди, сўнг «Ўтиринг-ўтиринг» деганча сал телароққа сурилиб, носини туфлади. Улбошхон кароватнинг бир учига омонатгина ўтирар экан, секин гап бошлади:

— Би-ир айланиб келувдик, узумларингиздан еб кетай деб.

— Ҳа, яхши қипсиз... Уйлар тинчми, димоқ чоғми?..

— Яхши, яхши. Катта боғда, а, бир ўзингиз зерки-иб ўтириб-сиз...

Унинг овозида ўзгача бир оҳанг бор эди, эркаликми, истиқноми — тушуниш қийин. Абдуназар бова гапнинг кетишига қараб, ҳол-аҳвол сўрашдан нарига ўтди. Улбошхойга ўғринча кўз ташлаб қўяркан, «Сиз келдингиз, энди зерикмаймиз» дея кароватдан туриб, боғ оралади ва икки бош кишмиш узиб чиқди. Узумлар ўртага қўйилиб, Улбошхой еб битиргунча орада анча-мунча гаплар ўтди. Узумларнинг ширинлиги, боғдан қанча майиз олиниши, Абдуназар бованинг кампири вафот этганига неча йил бўлгани, Каримуллонинг ҳали-бери қамокдан чиқмаслиги, Улбошхойнинг эрсизликдан қийналаётгани... Хуллас, гурунг қизиди. Бора-бора суҳбат бепардароқ тус ола бошлади. Улбошхой оёқларини чайла қилганича нозлиниб ўтирар, тез-тез елпинганидан ёнидаги қизил халатининг ёқалари хиёл сурилиб кетганди. Абдуназар бова гоҳ «чайла»га, гоҳ ўша хиёл сурилган ёқа остиларига қарар экан, қитмирлиги тута бошлади, унутилаёзган алланечук ҳислар жунбушга келди. Улбошхой ҳам эри қамалгач, қишлоқдаги баъзи «йўрғароқ» эркаларнинг кўнглини овлаб ўрганган эмасми, эт жимирлатар сўзлар айтиб; унинг баттар эсини оғдирди...

Нихоят Абдуназар чол бугун кеч Улбошхойнига борадиган бўлди, қуруқ эмас, нақ бир қулак-иштонлик матога етадиган пул ва узум билан!..

Ёз кунлари олисдан-олис, кеч киргунча ҳали анча бор. Куёш тафти пасайиб, бироз салқин туша бошлаганда, Улбошхой кетишга чоғланди. Кетаётганда Абдуназар бова «Бизнинг боққа келган одам қуруқ кетмайди» дея эскироқ белбоққа уч-тўрт бош узум тугиб берди. Боғ даричаси ёнида хайрлашдилар. Боғда яна Абдуназар бованинг ўзи қолди, у бир жойда ўтира олмас, уёқдан-уёққа юрганча кеч киришини кутар, бўлиб ўтган гапларни бир-бир хаёлидан ўтказар, «Улбошхой ҳали элликка ҳам кирмаган аёл бўлса, ҳай, эри нарёқларда юрипти экан, раъйига қараб бир кўнглини овласам нима бўпти,

осмон узилиб ерга тушармиди, қайтанга савоб эмасми?!» дея ўйларди.

Олам қизғиш тусга кирди. Куёш аста-секин хув узокларда ястаниб ётган қакроқ чўллар қаърига синга бошлади. Бурганли қирнинг кунгай бети чангиб, сигирлар кўринди — пода қайтар маҳали бўлди.

Қоронғу тушишини тоқатсизлик билан кутаётган Абдуназар бованинг назарида вақт жудаям имиллаб ўтар, гўё кун тунга ўрнини бўшатиб бергиси келмаётгандек туюларди... Нихоят қош қорайиб, кўк юзида юлдузлар порлади, ариқ бўйидаги қурбақаларнинг вақиллаши авж олди.

...Абдуназар бова йўқлигим биланмасин дея боғ ўртасидаги сим-кароватга кўрпа-кўрпача тўшади, орасига ёстиқ жойлаб, худди одам ётгандек қилиб қўйди ва бир челақ узумни кўтарганча йўлга тушди. Боғ ҳадсиз сукунат ичра эга-

Бердиниёз чўпон ҳовлига кира-веришдаги тўсинларни бир чеккага олиб ичкарилади, эшакни уй олдида тўхтатиб қопни туширди ва даҳлиз эшигини қия очди. Рўпарадаги деразадан оқиб кирган нур даҳлизни ёритиб турарди. У келинининг отини айтиб қақирди:

— Улбошхой... ху Улбошхой!

Жавоб бўлмади. Бердиниёз чўпон бўсага ҳатлади. «Ухлаб қолган бўлса керак» деб хаёл қилиб, баландроқ овоз берди. Тўрдаги хонадан келинининг «Ҳозир, чиқаяпман» деган саросимали товуши эшитилди.

Бердиниёз чўпон шифтга



Ой тўлган кеча

сиз қолди. Чол кўча ёқалаб чўзилган чакалакзорни оралаб бораркан, гўё кимдир кузатиб келаётгандек, ён-атрофига қараб-қараб қўяр, юрагини кўркув ҳам ҳаяжон босиб тез-тез юрарди. У чакалакзор сўнгидида жарликдан ўтиб, Галашерик қишлоғига кирди. Бўёғи бир қадам, пича юрса Улбошхойнинг ўйи кўринади. Абдуназар бова «Йўлда биров-ярим учраб қолмасин» дея юрагини ҳовучлаб кетаверди. Тўсатдан Тўра маймоқнинг ити ҳуриб чиқиб, хушини учирди, оёғига тармашган эди, тумшугига ўшатиб теғди. Ит вангилаганча қочди, бошқа итларнинг ҳам ҳуриши эшитилди.

Абдуназар бова Улбошхойнига етиб келганида қишлоқ тепасидаги Чўнқаймиш тоғлари ортидан тўлин ой аста мўралай бошлаганди. У гувала ғишллари ёмғир-қорли кунларда эриб, нураб қолган девордан секингина ошиб ўтиб, уй ёнидаги тандирхонага кирди ва теварагига олазарак боқди: ҳаммаёқ жимжит. Ҳеч ким кўринмайди, фақат уйдан «туқ-туқ-туқ» овоз эшитиларди. Тезроқ уйга кириб, нафсини қондиришга ошиқаётган Абдуназар бова ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, челақни тандирхонада қолдириб, ёруғ туриб турган дераза ёнига келди. Ичкарида қорачадан келган, ўртабўй, қош-кўзлари ҳам қоп-қора, кулчаюз бир аёл гилам тўқиб ўтирарди. Абдуназар бова кўзига чўғдек бўлиб кўринаётган бу аёлга пардалар орасидан бир зум тикилиб турди, сўнг деразани оҳиста чертди...

Улбошхой уни ичкари олди ва тандирхонада қолдирилган узумни обкелиб, озроғини ўртага қўйди. Улар узум еб, гурунглашиб ўтирар экан, орада бир чой қайнагулик вақт ўтар-ўтмас хонанинг чироғи ўчди, гурунг бошқача тус олди, майин кулгу, паст овоздаги шивир-шивирлар, ҳаяжонли энтиқишлар бошланди...

Кеча соқиндан соқин, ойдиндан ойдин бўлди.

Бердиниёз чўпон шомга яқин Омондара ариғи йўлидаги Хўжақулнинг тегирмонига бугдой олиб келганди. Навбати етиб, бугдойи ун бўлиб чиққунча вақт алламаҳал бўлди. Тегирмондан чиқар экан, «Эртага овора бўб юраманми, шундай бурилиб уннинг ярмини Улбошхойга қолдирай, ораси ҳам бир қадам бўлса» дея хаёлидан ўтказди ва Галашерикка йўл солди. Эшагини қичаб-қичаб ҳайдади, эшак тор, ўйдим-чуқур йўлдан йўртиб-йўртиб борди.

боқди, ундан даҳлиз деворларига, сўнг ерга қаради, ёмон кўрса ҳам негадир келинига ачинди, кўз олдида Каримулло келди, ич-эти куйиб кетгандек бўлди. Кўнгли сув тусади. У дераза тагидаги сирли бақдан тўйиб сув ичди. Ҳаммаси шундан кейин бошланди. Оёқлари тагида бири қийшайиб, бири тўнтарилиб ётган ботинкаларга кўзи тушган Бердиниёз чўпон ихраб юбораёзди.

Эшиқда Улбошхой кўринди ва салом берди. У бир аҳволда эди — сочлари тўзғиган, устидаги гербишин кўйлаги тескари қийилган, пойчасида эса иштон йўқ. Бир маҳал худди бир нарса қулаб тушгандек, уй орқаси «гуп» этиб кетди. Бу пайт Абдуназар бова деразадан ташлаб қочганди. Бердиниёз чўпон келинига «Ҳе бетинг қурсин, ҳароми» деди-ю, бошқа сўз айтишга улгурмай ташқари отилди ва энди девордан ошаётган Аб-

дуназар бовани ой ёруғида таниди, бир зум кўзларига ишонмай турди-да, кутурган итдек ортидан қувди.

Абдуназар бова ўқдек учди, орқасига қарамай қочди, яланг оёқларига майда тошлар ботди, чўкиртак тиканлар кирди, лекин оғриқ сезилмади. У чакалакзорга етганда тўхтади, дарахтлар панасидан атрофга боқди: жимжит, ҳеч зог кўринмайди. Бердиниёз чўпон ярим йўлда қолиб кетганди. Абдуназар бова чакалакзорда пича ўтирғач, боғига келди, боғ даричаси очик турарди...

Боғ тонга яқин ўқ овозидан ларзага келди, тоғлар, қирлар Абдуназар бовага қўшилиб инграгандек акс-садо берди. Бердиниёз чўпоннинг шунда ҳам алами босилмади, иккинчи ўқни ҳам узди, еру кўк зириллаб кетди...

Чўпон уйига етиб келганида ҳарсиллаб нафас олар, юраги тез-

тез уриб, кўксидан отилиб кетгудек бўларди. У супада кўзи тўрт бўлиб ўтирган кампирининг олдида борди. Кампири «Илҳақ қиб ўлдирдингиз-ку, қаёқларда юриб-сиз?!» дея энди гап бошлаган эди, елкасидаги милтиқни кўргач, доддираб қолди. Бердиниёз чўпон бир оғиз ҳам гапирмади, уйга кирди-да, бироз гарангсиз тургач, милтиқини эски печ ичига яширди, қўллари қоракуюга беланди.

У ташқарилаб ўрнига чўзилар экан, кампирининг гаплари қулоғига кирмади, индамай юзини ёстиққа босди... Эртаси куни чошгоҳларда Абдуназар бованикида қиёмат қойим бўлди.

Бердиниёз чўпонни кампири тинимсиз қарғади, «қариганда одам ўлдиришингиз қолувди» дея йиғлади. Шунда ҳам Бердиниёз чўпон миқ этмади, бўлган воқеани айтишга тили бормади...

Раимқул СУЯРОВ

Румий таваллудининг 800 йиллигига

Шоқлик фалсафаси

Куёш Шарқдан чиқади. Инсоният асил «куёш»ларининг аксари ҳам шу худудда нур таратганлар. Бу бешикдан дунёнинг не-не алломалари етишиб чиқмади дейсиз?!

Шарқда яна бир соҳа ривожланганки, унинг асрори тубига ривожланган мамлакатларнинг билимдонлари эндигина етишмоқда. Шундай дурдоналардан бири Жалолдин Румийнинг «Маснавийи маънавий»сидир. Асар саккиз асрдан бери ўрганиб келинмоқда, лекин бу денгиздаги дуру жавахирлар ниҳоя топгани йўқ. Илм аҳли ҳар сафар унинг қаъридаги янги-янги хазиналар сирини кашф этмоқда. Бу асар ва унинг муаллифи тўғрисида Абдурахмон Жомий шундай дейди:

Ман чи гуям васфи он олижаноб,
Нест пайгамбар, вале дорад Китоб.
(Мен бу олижаноб зот ҳақида

нима ҳам дейин,

У пайгамбар эмас, бироқ Китоби бор).

Лафзий санъат орқали

«Маснавий» илоҳий китобларга тенглаштирилаяпти, зеро, у шундай таърифга лойиқ. У гоғта чуқур маъноларни ўз ичига қамраб олади, шу жиҳатдан ихлосмандлари сафи фақат хослар ҳисобигагина кенгайди. Бу эса рамъларни шарҳлаш эҳтиёжини вужудга келтиради. Бу ишга илк марта ватандошимиз Камолитдин Хусайн Хоразмий (XV аср) қўл урди ва ўз асарига «Жавахир ул-асрор» деб ном берди. Шундан кейин «Маснавий»нинг унлаб таржима ва шарҳлари вужудга келди.

Бугун шайх Одина Муҳаммад Хоразмийнинг «Мифтоҳ ул-асрор» шарҳи ҳусусида тўхталмоқчимиз. У ўтган йили Эрон элчихонаси ҳузурдаги маданият ваколатхонаси, ЎзФА шарқшунослик институти, Махдум Восилий номидаги «Маънавий мерос» маркази ҳамкорлигида «Муסיқа» нашриётида ўзбек тилида чоп этилди. Уни биринчи марта форсийдан ўзбек тилига тарих фанлари доктори Махмуд Ҳасаний ўғирган.

Ушбу китобни мавлоно Румийнинг 800 йиллик тўйига муносиб тўхфа десак арзийди. Шу ўринда шарҳ ва унинг муаллифи ҳусусида қисқачина маълумот.

Одина Эшон (вафоти 1801 йил) номи билан шухрат топган бу зоти шарифнинг тўлиқ номи Абулмузаффар ибн Саййид Музаффар ал-Хусайний ал-Хоразмий ал-Карвакийдир. Ёшлигиданок «Маснавийи маънавий»ни мутолаа қилиб, рамълар маъносини ёчишга муваффақ бўлган аллома валийлик даражасига кўтарилгач, китобнинг энг нозик нуқталарини шарҳлашга киришади. У «Маснавий»нинг дастлабки уч китобини шарҳлаган. Қолган уч жилд тақдири бизга номаълум.

Шарҳнинг тақдим этилган қисмининг ўзидек «Маснавий»ни тушуниш ва тафаккуримизга сингдиришда яқин кўмакчи бўла олади.

Дилдора РАҲМОНОВА,
ЎзМУ 2-босқич магистранти

Қадрли, муштарийлар!

Севимли газетангизда янгилик. Энди Сиз ўз минбарингиздан бемалол фойдаланиш имкониятига эгасиз. У орқали Сиз хоҳлаган мавзуда (шеър, мақола, туғилган кун муносабати билан табрик, фикр, ҳатто яқин дўстингиз, сеvimли ёрингизга салом йўллашингиз, дардларингиз, сизни қийнаётган муаммолар билан ўртоқлашингиз) чиқиш қилишингиз мумкин. Бунинг учун кўп нарса талаб қилинмайди. Фақатгина саҳифада бериб бориладиган махсус купонни тўлдириб, уни ўз дил изҳорингиз билан бирга қўшиб жўнатсангиз, бас. Бугини бизга қўйиб беринг. Ахир, бу Сизнинг минбарингиз!



Муштарий минбари

Газетхон илҳоми

Қалбим суВрати

Қалбим сувратини айланг томоша, Ундадир турфа ранг туйғулар, ҳислар. Йиллар аро, кечмишлар оша Пайдо бўлди унда йўқолмас излар.

Ранглар – бу қувончлар, ҳаваслар кучи, Ранглар – бу муҳаббат ўтининг тафти. Изларда меҳрлар, фарзандлик бурчи, Изларда яшашнинг бекиёс шавқи.

Унутилмас излар – ҳислар бепоён Яшнаган рангларда орзулар аҳди. Саргайган, бемажол рангда намоён Бевақт хазон бўлган армон дарахти.

Қалбим сувратига яхшилаб боқинг, Унда кўражасиз нафратлар гардин. Майли, ғамларимдан сел бўлиб оқинг, Яшириб бўлмас-ку айрилиқ дардин.

Қувонч, изтироблар – эгиз туйғулар – Ёрқин жилоланган ва сўниқ ранглар. Топгани саодат, баъзан қайғулар, Бу менинг юрагим расми, қаранглар.

...Қалбим сувратига диққат-ла қаранг, Бир дил қисматидан сўзлар турфа ранг.

Ҳимоят НАЗАРОВА,
Сирдарё вилояти Гулистон тумани
Дехқонобод шаҳарчаси

Қатра

Ҳеч ким

У ҳаётда омади чопмаган, ҳақ йўлни топмаган бир кимса. Икки қўлини дунёнинг тўрт томонига чўзиб, бир нарсани узиб ололмаган, иғводан бошқа ҳунар тополмаган қиёфа. Ичида сафро тўлиб, улуғлик даъво қилиб, ўзига ўзи баҳо бериб юрган нотавон. Одамлар ундан аллақачон толган, назардан қолган.

У бамисоли осмонга бўй чўзиб ўсаётган теракка ўхшайди. На меваси бор, на сояси. Танасини қурт кемириб ташлаганки, ёғочликка ҳам ярамайди, биров қарамайди. Қаттиқроқ шамол бўлса, йиқилиб кетишидан чўчиб ҳамма ундан ўзини узоққа олади.

Манфаати бўлса тошни кемиради, сувни симиради. Текканга тош отади, тегмаганга кесак. Дуч келганга ё ниш санчади, ё заҳар сочади. Иғводан бошқасига ярамаган худбин, ичига ин қурган шайтонини лавин. Кимнидир шубҳали деб қоралайди, кимнидир муттаҳам. Яна кимдир каззоб бўлиб кўринса, бошқани ўғри дейди. Хуллас, биров ўпоқ бўлса, бошқа биров сўпоқ.

Хўш, унинг ўзичи? Ўзи ким? Ўзи ҳеч ким!

Лола ЎРОҚОВА,
Қашқадарё вилояти

Туйғу

Изтироб

Бу кун мен ёлғиз... Нафакат изтироб, балки ҳасрат ҳам ёлғиз – сизсиз...

Ҳасрат ҳам сиздан эди, изтиробим ҳам. Интизорман йўлингизга, кўзлар ҳам зор, кўнгулларда сизсиз гўбор. Гўё сизсиз эриб битди оппоқ қор – келмай баҳор...

Сиз – ўзингиз эдингиз-ку қалбимга тумор. Мен бир сизга зор...

Ҳасратимдан кимдир, кимдир ўнсиз йиғлар... Наҳот... Бу – сиз! Ҳайхот! Наҳот сизни йиғлатмоқда менинг фарёдим. Ахир сизсиз менинг изтиробим бор. Бор!!! Сизсиз юрак қилади фарёд – ДОД! Сизсиз қолиб кетмоқликка кўрқадим юрак!

Эй, кўрқоқ юрак, сенга фақат ҳасрат керак...

Ҳафиза КҮЧҚОРОВА,
Тошкент шаҳри

Нуқтаи назар

Мардлик сабоғи

Ватанни обод қилиш ҳар бир инсоннинг бурчи. Нима учун? Чунки инсон ўз яшаш майдонини қулай қилиш орқали қалбида ватан туйғусини шакллантиради. Ҳар бир қадрли нарса доимий эътиборни, баъзида эса фидойиликни талаб қилади. Лекин, афсуски, сохта ватанпарварлик ҳам учраб туради, бу иккиюзламачилик, фирибгарликдан бошқа нарса эмас. Ҳар қандай сохталик ҳам вақти келиб фош бўлади.

Минбарларда, йиғилишларда, шеърларда, кўшиқларда ватан, ватан... Шуниси ҳам борки, меъёридан ошган ҳар қандай нарса меъдага тегади. Ортиқча сўзбозликдан ватан деган сўзнинг қадрини ерга урилаяпти. Чиройли айтилган кўшиқ ватанга қасидадек янграб, аммо зўрма-зўракилик маънан қашшоқликни билдиради. Эслайлик, 20-асрнинг бошларидаги жадид фидойилари ватанпарварлик бобида сўз ва иш бирлигини намуна қилиб кўрсатганлар. «Агар ҳуррият ва халқ бахти, саодати йўлда ҳаётимизни қурбон қилиш керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кўтиб оламиз»,


деб ёзган Беҳбудий шу сўзларнинг исботи тариқасида ўз жонини қурбон қилган.

Бундай ватансеварлик деярли барча жадидларга хос. Совет тузуми даврида яшаган бўлса ҳам Ҳамид Олимжон ўз шеърини билан бизга ватанни севишни ўргата олади. Унинг таърифича, шоир ватаним деб уйғонади, ватаним деб яшайди.

Энди бугуннинг мисолларига ўтсак, бокс бўйича жаҳоннинг 17 карра чемпиони Артур Григорян ҳамма қулайликлар, ҳамма имтиёзлар, шоҳона ҳаёт имкониятлари очилган тақдирда ҳам ўзбекистонлик бўлиб қолди. Ваҳоланки, шу тупроқда ўсиб-улғайиб, салгина имкон эшиклари очилиши биланоқ хориждаги дорилмомон ҳаёт қучоғига ўзини ураётганлар ҳам, афсуски, баъзида учраб туради.

Хулоса шуки, айтилган ҳар бир сўзга масъулият билан қарамоғимиз, лафз ва иш бирлигига эришмоғимиз керак.

Жасур ТУРАНОВ,
ЎзМУ талабаси



Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Эътироф

Нега «ISHONCH»ни ўқийман?

Инсон учун информация ҳамisha аҳамиятли бўлиб келган. Хусусан, ҳозирги тезкор даврда унинг аҳамияти янада ошди.

Мамлакатимизда жуда кўплаб оммавий ахборот воситалари, хусусан юздан ортиқ марказий ва маҳаллий газета ҳамда журналлар, телевидение, радио ва бошқа ахборот тарқатиш органлари фаолият кўрсатмоқда.

Улар орасида «Ishonch» газетаси ўзининг кенг қирралиги билан алоҳида эътиборга лойиқ. Назаримда, мазкур газета ўз ўқувчиларига эълон қилинаётган материаллар янада ўқимшли бўлиши учун уларнинг баён этиш, саҳифаларга жойлаштириш, мавзуларнинг ранг-баранглигига алоҳида эътибор бераётган энг халқчил газетадир.

Ҳар бир инсоннинг бош мақсади соғлом бўлиш, фойдали меҳнат билан шугулланиш, бахтли турмуш кечиришдир. «Ishonch» газетасининг бошқаларга ўшшамаслигини таъминловчи хусусияти мана шу ижтимоий омилларни очиб берувчи, инсоннинг соғлом ва бахтли ҳаёти

учун биринчи навбатда зарур бўлган соғлиқ, руҳий ҳолат ҳамда ижтимоий омиллар эканлигига тўйинтирилган материалларни турли шакл ва рунклар орқали ўқувчига етказиб бераётганлигидир.

Масалан, газетанинг шанба сонлари бир-биридан қизиқарли материаллар билан берилади, хусусан, кўпдан бери эълон қилиниб келинаётган Гулгун Султонованинг «Рухий сабоқлар» рункидаги материаллари бирор бир ўқувчини бефарқ қолдирмас керак. Ҳуқуққа, тадбиркорликка, мозийга оид материаллар ҳақида ҳам худди шундай фикр айтиш мумкин.

«Келинг, очикчасига гаплашайлик». «Кейинги сонларда кўришгунча» каби ва бошқа ажойиб рунклар борки, ушбу саҳифалардаги материаллар худди ҳар биримизнинг ҳаётимизни кўриб турганидек берилади. Шу сабаблар туфайли газетанинг ҳар бир сонини 4 йилдан бери мунтазам ўқиб келаман.

Меҳнатни улуғловчи, унинг ижтимоий онгининг шаклланишидаги ўрни, инсоннинг руҳиятига ҳамда

соғлигига мислсиз ижобий таъсирини бевосита қасаба уюшмалари аъзоларининг турмуш тарзи призмаси орқали ёритилиши ҳар бир газетхонда материалга нисбатан, аниқроғи газетига нисбатан ишонччи вужудга келтиради. Газетанинг ҳар бир сони уни кутаётган газетхон учун байрам мисоли.

Албатта газетанинг ҳар биримизнинг талабларимизни қаноатлантириш даражасига етказиш ортида журналистлар гуруҳининг тинимсиз ва самарали меҳнати ётади.

Уйлайман ва умид қиламанки, «Ishonch» газетасининг ўқувчилари сафи янада кенгайди, газета ижодкорларининг сеvimли ва қадрдон газетамиз «Ishonch»-имизни оммавий ахборот воситалари ичида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлишини таъминлашда қуввати ҳамда ижодий имкониятлари етарли, бу аксиома, ишонмасангиз «Ishonch»ни ўқинг.

М. НИЁЗОВ,
Тошкент вилоят хўжалик суди судьяси

Таклиф

Ҳамиша қадрли бўлинг!

Ассалому алайкум сеvimли газетамиз ижодкорлари!

Жамоамиз билан нашрингизни тинимсиз кузатиб борамиз. Айниса, шанба сониде чоп этиладиган турли мавзулардаги мақолалар ўзининг қизиқарлилиги, долзарблиги билан барчамизга маъқул бўлмоқда.

Қасб байрамингиз билан табриклаш асносида ўзимнинг таклифларимни билдирмоқчи эдим. Уйлайманки, мен таъкидлаб ўтмоқчи бўлган мавзуларга ҳам эътибор қаратсангиз, газетхонлар сафи янада ортади. «Рухият сабоқлари» рункидаги мақолалар ўз муҳлисларини толиб улгурди, албатта. Унинг қаторига психологик тестлар ва маслаҳатларни ҳам қўшсангиз айни муддао бўларди. Қолаверса, буюқлар ҳаётдан лавҳалар, турли соҳа эгалари билан муҳлислар мулоқотларини бериб боришни йўлга қўйсангиз.

Ижоддан толмаслик, ҳамиша қадрли бўлишни тилаб,

Жамила РАҲМОНОВА,
Наманган вилояти Поп туманидаги 11-умумтаълим мактаби кутубхоначиси

«МУШТАРИЙ МИНБАРИ» КУПОНИ № _____

Фамилиянги _____

Исминги _____

Отангизнинг исми _____

Туғилган йилинги _____

Манзилинги _____

Иш(ўқиш) жойинги _____

Қайси мавзуда чиқиш қилмоқчисиз? _____

Ихеруоме Уче... Бу футболчи юртимизга 2004 йилда келганди. «Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасига Нигериядан футболчи келибди» деган гапни эшитган ишқибозлар унинг маҳоратидан баҳраманд бўлишни исташарди. Бироқ бу пайтда Уче эндигина 17 ёшга кирган бўлиб, жамоа мураббийлари уни деярли асосий таркибда майдонга туширишмасди.

2004 йилги чемпионат давомида олти марта майдонга тушган Уче битта ҳам тўп киритолмади. 2005 йилги мавсумда ҳам у бор-йўғи олтита учрашувда ўйнади ва ўз ҳисобига битта гол ёзиб қўйди.

У ўринбосарлар таркибда тўп сурар ва голларини ҳам асосан шу мусобақада киритарди. «Сабр таги сарик олтин», деган гаплар рост экан.

Яъни, икки йиллик умрини «Пахтакор» заҳирасида ўтказган ёш ҳужумчи 2006 йилги футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лига баҳсларида жамоанинг асосий таркибда майдонга туша бошлади. Нафақат майдонга тушди, балки бир-бирига ўхшамас, чиройли голларни рақиб дарвозасига жойлади. Уче 2006 йилги мавсумда 24 та ўйинда майдонга тушиб, 17 та тўп киритишга муваффақ бўлди. Таъкидлаш жоизки, у майдондаги ҳаракатлари ва киритган голлари эвазига тезда муҳлисларнинг ёқимтойига ҳам айланди.

Яқинда нигериялик футболчи билан учрашиб, ундан ўзимизни қизиктирган саволларимизга жавоб олдик.

— Уче, ҳаммасини бир бошидан бошласак. Болалигингиз, футбол оламига кириб келишингизни эсга олсангиз...

— 1987 йил 14 апрел санасида Нигерияда туғилганман. Отам бизнесмен. Онам бошланғич мактабда ўқитувчи. Мактабда яхши ўқирдим. Айниқса, тарих, математика, география ва иқтисод фанлари ёқарди. Спорт турлари ичида теннис жону дилим эди. 5 ёшимдан теннис машғулотларига қатнаганман. Шунингдек, маҳалладаги болалар билан тўп тепадик. Кунларнинг бирида одатдагидек копток тепаётган пайтимизда бир киши олдимга келиб, «Футболчи бўлишни хоҳлайсанми?» деб қолди. Мен эса унга теннисга қизиқишим кучлилигини айтдим. Мураббий бир бор ўзимни футболда синаб кўришимни ва албатта, бу ўйин менга ёқиб қолиши мумкинлигини, футбол теннисга қараганда оммавийроқ, севимлироқ эканини таъкидлади. Шундай қилиб футболга кириб келдим.

— «Пахтакор»гача қайси жамоада ўйнагансиз ва Тошкентга қандай келиб қолдингиз?

— Тошкентга келгунимча Нигериянинг маҳаллий «Джапса» клубида ўйнадим. Бироқ бу пайтда Федерал политехника институтида таҳсил олаётганим боис, майдонга кам тушардим. Агентим Қозғистонга олиб келганди. У ердан «Пахтакор»га ўтдим.

— Тошкентликлар сафида икки мавсум заҳирада ўтирддингиз. Бу ҳолат сизга қандай таъсир қиларди?

— Ёмон эмас. Ўзимга ишончим бор эди. Бир кун келиб албатта, асосий таркибдан жой тегишига ишонардим ва машғулотларга зўр берардим...

— Жамоада ким билан тандем бўлсангиз, ўйинингиз янада яхши чиқади?

— Галаба учун барча бирдек курашамиз, ҳамма яхши ўйинини кўрсатиш учун ҳаракат қилади. Демак, ҳамма билан ўйиним чиқаверади.

— Ўтган мавсум 17 та тўп киритган эдингиз. 16 -чемпионатдан нимани кутяпсиз? Қолаверса, «Нефтчи» жамоаси ҳам чемпионлик учун астойдил курашяпти... Сизнингча, «Пахтакор» бу йил чемпион бўла оладими?

— Бу йил мавсум тўпурари бўлсам, дейман. Чемпионликка келсак, бу йил ҳам «Пахтакор» голибликни бировга бермайди. «Нефтчи» ё иккинчи ёки учинчи ўриндан жой олиши мумкин.

— Нега «Пахтакор» Осиё Чемпионлар лигасида чорак финалга чиқолмади, деб ўйлайсиз?

— Бу футбол... Кимдир ютади, кимдир ютқазади. Келгуси йил Осиё чемпионлар лигасида яхшироқ қатнашишга ҳаракат қиламиз.

— Ўзбекистонда нигериялик дўстларингиз борми?

— «Қурувчи» аъзоси Патрик Агбо, «Тўпаланг» жамоасида тўп сураётган Бенедикт Опара дўстларим ҳисобланади. Опара «Пахтакор» сафида қўшилса ҳам

бўларди, бироқ Тошкент клубининг ярим ҳимоя чизигида рақобат кучли...

— Майдонда еттинчи рақамда тўп сурасиз. Бу рақамни ўзингиз танлагансиз ёки клуб раҳбарлари беришганми?

— Клуб раҳбарлари беришган ва бу рақамда тўп суриш менга ёқади. Чунки

кўпгина машҳур ўйинчилар шу рақам остида тўп суришади.

— Уче, майдондаги дриблинглирингиз, тўп билан чиройли муомалада бўлишингиз, уни тўхтатиб олиш борасида ўзгача маҳоратингиз билан ишқибозлар кўнглидан жой олиб бормоқдасиз. Дриблинглир (алдамчи ҳаракатлар) борасида кимгадир ўхшашни хоҳлайсизми?

— Бекхэм ва Роналдо — ёқтирган футболчиларим. Дриблинглир бўйича Роналдога ўхшашни истайман. Унингдек тезкор ва чапдаст бўлиш — ниятим.

— Нигерия терма жамоасида тўп суриш истаги бўлиши табиий...

— Албатта, аммо юртимда футболчилар ҳаддан ташқари кўп ва уларнинг салмоқли микдори Европа клубларида тўп суради. Рақобат жуда кучли. Бироқ тўхтаб қолмоқчи эмасман. Йилдан-йилга ўз савиямнинг ўсишига эришмоқчиман.

— Иқлимимиз ҳақида...

— Ёзи жуда иссиқ, киши совуқ. Бироқ кўникиб кетдим.

— Тошкентда ким билан яшайсиз?

— Квартирада опам Питс билан бирга турамыз.

— Ўзбек таомларига муносабатингиз...

— Рашувини ўтказди. Қосимов ҳақида фикрларингиз...

— Миржалол жуда яхши футболчи. Қатор ютуқларни кўлга киритган истеъдод соҳиби. Ёш авлод унингдек бўлишни орзу қилади. Намуна қилса, арзигulik футболчи.

— Нега жамоада жарима тўпларини бажармайсиз?

— Чунки мен бу борада «мутахассис» эмасман.

— Хоббингиз...

— Теннис.

— Болалигимда тарих фанига қизиққанман, деддингиз. Бизнинг тарихий шаҳарларни томоша қилдингизми?

— Бухорога, Самарқандга чемпионат ўйинларига борсак, албатта шаҳарларни томоша қиламан ва бу ерда кўпгина сай-

гиз...

— Ҳаммаси зўр. Айниқса палов менга жуда ёқади.

— «Пахтакор»да кимлар билан дўстсиз?

— Барча билан. Кимки яхши инсон бўлса, у менинг дўстим.

— Баъзи миш-мишларга қараганда, сизга Ўзбекистон терма жамоасида ўйнаш таклифи билдирилган. Шундай таклиф билан жиддий муножаат қилишса, ўйнардимиз?

— Мабодо шундай таклиф туғилса, буни агентим ҳал қилади.

— Ўзбек футбол ишқибозлари ҳақида таассуротларингиз қандай?

— Улар менга жуда ёқади. Айниқса, уларнинг исмиمنى айтиб, олқишлашлари куч бағишлайди. Майдонда янада гайрат ва иштиёқ билан ўйнай бошлайман.

— Нигериялик ва ўзбекистонлик муҳлисларни таққослаш мумкинми?

— Нигерияда муҳлислар ўйинга жуда кўп келишади. Ўзбекистонда эса унчалик эмас.

— Яқинда ўзбек футболи юлдузи Миржалол Қосимов футбол билан хайрлашув уч-



Муҳлислардан илҳом олган футболчи

ёқларнинг айланиб юрганини кўраман. Юртингиз ва инсонларингиз жуда ажойиб.

— Унда қандай ўзбекча сўзларни ўргандингиз?

— «Ассалому алайкум», «рахмат», «бўпти»... (Шунингдек, Уче рус тилида яхшигина мулоқот қила олади — муаллиф).

— Уче, исмингиз қандай маънони англатади?

— Опам ҳақида айтиб ўтдим. Опамдан кейин дунёга келган икки акам туғилиши билан оламдан ўтишган. Шунга ирим қилиб, менга Учечуку деб исм қўйишган. Уче эса унинг қисқартирилгани. «Учечуку» дегани «Худо берди, ўлмасин» деган маъноларни беради. (Биздаги Худойберди ва Ўлмас исмларига ўхшаш экан — муаллиф).

— Оилангизда яна бошқа спортчилар борми?

— Оилада тўрт фарзандимиз. Опам, мен ва икки укам. Бироқ улар бошқа соҳаларни танлашган.

— «Ишонч» газетаси муштарийларига тилақларингиз...

— Газета муштарийларига барча эзгу тилақларни тилаб қоламан.

(Уче Ихеруоме ушбу тилақларини муҳлисларга дастхат сифатида ҳам ёзиб берди.)

Ушбу суҳбатни уюштиришда «Пахтакор» клуби матбуот котиби Уллубек Мирзаев ва таржимонлар — клуб ходимлари Елена Ахмадуллина ва Диана Шамхаловалар кўмак беришди.

Акмал АБДИЕВ суҳбатлашди



ISHONCH
YOU
WISHING GOOD
LUCK!
HERUOME UCHE
(?)

Одам ва Одам

Воқеалар
Тафсилотлар
Шарҳлар

ОТНИНГ ЎЛИМИ — ИТНИНГ БАЙРАМИ



Буюк Британияда чоп этиладиган «The Times» газетасининг ёзишчи, Испанияда ҳибсга олинган 61 яшар италиялик ва унинг португалиялик жазмани ёлгон хабар бериш орқали ўғирлаб кетилган Маделейн Макканнинг ота-онасидан пул ундирмоқчи бўлишган.

Данило Чемелло ва Аврора Перейра Вас яқинда Андалусияда, Альхесирас шаҳридан унча узоқ бўлмаган Сотогранде курортда қўлга олинганлар.

Инглиз ва испан матбуотидаги хабарларга қараганда, Чемелло ўз боласига шафқатсизларча муносабатда бўлганлиги учун Францияда қидирувда бўлган, илгари шундай жинояти учун 18 ойлик қамоқ муддатини ўтаб чиққан. У уюшган жиноятчиликка алоқадор бўлиб, сохта санъат асарларини ўтказиш билан ҳам шуғулланган бўлиши мумкин. Перейра Вас эса Европада ноқонуний фарзандликка олиш ишларини ташкиллаштиришда гумон қилинмоқда.

«El Pais» газетасининг хабарига кўра, 8 июндан бошлаб бу икки шахс устидан қузатув йўлга қўйилган. Ушанда Чемелло Малагада адвокат орқали Маделейннинг ота-онаси билан боғланиб, йўқолган қизча ҳақида баъзи маълумотларга эга эканлигини маълум қилган эди. Ушбу хабари учун фирибгар мукофот тариқасида белгиланган 2,5 миллион фунт-стерлингни олмоқчи бўлган.

Чемелло ва Перейра Васни қўлга олиш операциясини испан полициячилари португалиялик ҳамкасблари билан бирга ўтказган. Иккала мамлакатнинг ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари мазкур шахсларнинг бола ўғирланишига алоқадор эканлиги аниқланганлигини тасдиқлади.

Эслатиб ўтамиз, Маделейн Макканн 2007 йил 3 май куни Португалиянинг Алгарве курортдаги меҳмонхонада йўқолиб қолган эди. Қизча ҳануз топилгани йўқ.

МИЛЛИОНЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

AFP ахборот агентлигининг Сargemini компаниялар гуруҳи ва Merrill Lynch инвестиция банки ўтказган тадқиқотларга асосланиб хабар беришича, айти пайтда сайёрамизда бир миллион доллардан зиёд бойликка эга бўлган кишилар сони 9,5 миллионга яқин экан. Тадқиқодчилар бойлиги пулда, жамғармада, облигация ёки акцияларда ҳисоблаганда бир миллион АҚШ долларидан ошган кишиларни миллионерлар тоифасига киритишган. Асосий яшаш жойи, шунингдек, хусусий коллекциялар қиймати ҳисобга олинмаган.

Бойлар сони 2006 йилда 8,3 фоизга ошган. Уларнинг бутун бойлиги 37,2 триллион долларни ташкил қилади. Бу кўрсаткич 2005 йилдагига нисбатан 11,4 фоиз кўпдир. Янги миллионерларнинг аксарияти Россия, Сингапур, Ҳиндистон ва Индонезия вакиллари ҳисобланади.

Яна шуни айтиш керакки, бойлиги 30 миллион доллардан зиёд кишилар сони 94.970 кишини ташкил этади.

2011 йилга бориб миллионерларнинг умумий бойлиги 51,6 триллион долларга етиши тахмин қилинапти.

ҚОИДАБУЗАР БАНКЛАР



Хитой давлат аудиторлари мамлакатдаги учта йирик давлат банкида 15,5 миллиард юан (2 миллиард доллар) микдордаги молиявий қоидабузарликка йўл қўйилганини аниқлашди. Бу ҳақда «Associated Press» агентлиги хабар тарқатди.

Хитой бош аудитори Ли Цзунхуаннинг гапига қараганда қоидабузарлар Хитой Банки, Bank of Communication (BOCOM) ва China Merchants Bankдир. Улар асосан кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни ноқонуний молиялаштирганликда айбланмоқда.

Хитой ҳукумати маҳаллий бозорда чайқовчилик билан боғлиқ битимлар микдорини камайтириш мақсадида банкларга кўчмас мулк сотиб олиш учун қарз беришни таъқиқлаб қўйган. Бир ҳафта олдин мамлакат марказий банки худди шундай қарз берганлиги учун саккизта банкка нисбатан жазо чораларини кўрган эди.

Хитой Банки катталиги бўйича Хитойда иккинчи, жаҳонда эса йигирманчи ўринда туради. Заёмлар микдори бўйича BOCOM Хитойда бешинчи, активлар микдори бўйича эса жаҳонда 73-ўринни эгаллайди. China Merchants Bankнинг активлари эса 78 миллиард АҚШ долларидан зиёддир.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси Марказий кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича Вакили Аззам Исоқовга синглиси

Хайринисо ЗОИРОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси Самарқанд вилоят кенгашининг молия бўлими мудири Фаҳобжон Юсуповга онаси

Розия ЮСУПОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси Марказий кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Вакилиги бош ҳисобчиси Муратбой Жангабоевга онаси

Улбўлган АСЕНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касабаси Марказий кенгаши ва унинг ҳудудий вакилликлари Тошкент шаҳар вакилиги етакчи мутахассис-ҳисобчиси Галина Дубровинага онаси

Дина ЕЛИСЕЕВАнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Табиат ва биз

Шаҳарнинг яшил қалқонлари

Шаҳарларни кўкаламзорлаштириш ободончиликнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Кўкаламзорлар замонавий шаҳарсозликнинг ажралмас бўлагига айланган. У нафақат алоҳида меъморий-бадий аҳамиятга эга, шу билан бирга жозибали зарурий восита ҳамдир. Урта Осиёнинг қуруқ ва иссиқ иқлимидан келиб чиқса, кўкаламзорлаштириш масаласи экологик-биологик вазифани бажаришни кўрамайди.

Ўзбекистон шаҳарлари, айниқса, Тошкент дунёнинг энг обод ва яшиллик касб этган маданий марказларидан ҳисобланади. Улар ўзининг турли дарахтлари билан ажралиб туради. Бу ерларда маҳаллий дарахтлар билан бирга дуб, сосна, япон сафораси каби табиий тарқалиш ҳудудларидан узоқда жойлашган дарахтлар ҳам кўплаб экилиб, парвариш қилинмоқда. Улар иқлимимизга тез мослашиб, табиий ўсиш суръатларидан ҳам тезроқ ўсаётгани бу борадаги муваффақиятимизни кўрсатиб турибди.

Кам сонли дарахт турларидан иборат боғлар, кўча ва хиёбонлар ички экологик тартиб талабларига жавоб бера олмайди. Табиий шароит ва дарахтларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олиб экилган дарахтзорларгина инсонга мусоффо муҳит ярата олади.

Минтақамизда қадимдан иссиқ ва қуруқ иқлимга мослашган дарахтлар экиб келинган. Сўнгги йилларда янги дарахт турларини етиштиришга ҳам эътибор қаратилиб келинмоқда. Тошкент, Қашқадарё ва Хоразм воҳаларида сувни кам талаб қиладиган ва ўзининг эко-биологик хусусиятлари билан ажралиб турадиган япон сафораси экилаётгани фикримиз исботидир.

Чинор қадимдан ўзига хос микроклим яратувчи кўп асрлик дарахт сифатида парвариш қилинган. Лекин ҳозирда юртимиздаги мавжуд чинорларнинг ҳолати унчалик қониқарли эмас. Ариқлар орқали суғориш тизими кўпгина жойларда ишдан чиққани ва бошқа субъектив сабаблар (ҳавонинг ифлосланиш даражаси ошиб кетгани) туфайли чинор дарахтлари ташқи таъсирларга чидамсиз бўлиб бормоқда.

Ўтган асрнинг ўрталарида тераклар турли зарарли ҳашоратлар таъсирида касалликка чалинганда, уларни оммавий равишда кесиб ташлашга киришилган. Бу аҳоли ҳамда коммуникация тармоқлари ва иншоотлар учун хавfli аҳвол юзага келгани боис амалга оширилган мажбурий чоралардан эди. Бугунги кунда бундай амалиётнинг чинорларга нисбатан қўлланиш хавfli мавжуд.

Ўзбекистонда кипарислар оиласига кирувчи хвоёли дарахтлар кўп экилган. Бу можжевельник, туя ва бошқа дарахт турларидир. Улар, айниқса, Тошкентда кўпчиликни ташкил этиб, шаҳарнинг «ўпкаси» ҳисобланади. Бу дарахтлар йилнинг ҳар фаслида ям-яшил кўринишда ҳудуд кўркига кўрк бағишлайди.


Дарахтзор ва яшил майдонларнинг биологик тақдири турлича эканлигини Тошкент шаҳрида олиб борган қузатувларимиз давомида аниқлади. Пойтахтнинг кўкаламзорлиги мақтовга лойик бўлса-да, бу ердаги «яшил дўстларимиз»нинг ҳолати бирмунча ачинарлидир. Биринчидан, унинг ягона маъмурий эгаси йўқ. Агар боғ ва хиёбонлардаги, асосий кўчалардаги дарахтлар, ўтлоқ ва яшил майдонлар ахши қаров ҳамда тегишли хизмат кўрсатишга эга бўлса, маҳалла ва даҳалардаги ички яшил майдонлар, алоҳида дарахтлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Айрим жойларда шахсий томорқа ва гараж қуриш, ер майдонларини кенгайтириш мақсадида фуқаролар томонидан ободонлаштириш бошқармаси ва ҳокимиятлар руҳсатисиз дарахтларни кесиб ташлаш ҳоллари учрамоқда.

Кўкаламзорлаштириш, хиёбон ва боғлар барпо этишда мураккаб табиий ва биоэкологик хусусиятларни ҳисобга олиш муҳимдир. Яшил майдонлар, дарахтзорлар тақдири ўрмон массивларидан фарқли равишда тулалигича инсонлар қўлида. Шаҳар муҳити уларнинг ҳолатига доимий ва жуда кучли таъсир кўрсатади. Атмосферанинг чанг, тугун ва хавfli газлар билан тўйингани, тупроқ таркибиде табиий озиклантурувчи минерал ва ўқитлар камлиги, бетон ва асфальт қопламаларнинг сув ва ҳаво муҳитини бузиши, ўтлоқлар ва дарахтларнинг табиий ўсиши ҳамда биологик умри давомийлигини қисқартиради. Айрим жойларда дарахтларнинг барглари тўкилиши июн ойидаёқ бошланаётгани ўта ташвишли ҳолдир. Шу сабабли, бу ерлардаги яшил майдонлар алоҳида парваришга муҳтож. Бу муаммоларни ҳал этиш учун ҳар бир ҳудуднинг иқлими ва табиий шароитидан келиб чиқиб, алоҳида дастур ишлаб чиқиш мақсадида мувофиқдир.

Сўнгги йилларда хиёбонлар, боғ ва яшил майдонлар барпо этишга, мавжудларни кенгайтириш ва парваришларни кучайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир шаҳарда маҳаллий ҳокимиятлар таркибиде ободонлаштириш бошқармалари ва бўлимлар фаолият кўрсатиб келяпти. Яшил майдонларга ҳуқуқий мақом берилиб, давлат ҳимоясига олингани ва қонун йўли билан муҳофаза қилинаётгани эътиборга лойикдир.

Ободонлаштиришда майсозорлар барпо этиш ҳам катта ўрин тутади. Айрим тадқиқотчилар Ўзбекистон иқлим шароити кўп йиллик майсаларни маданийлаштиришга имкон бермайди деб ҳисоблайдилар. Бу фикр унчалик тўғри эмас. Англиядаги юқори сифатли майсозорлар табиий шароит маҳсули эмас, балки маҳаллий боғбонлар ва мутахассисларнинг меҳнати натижаси эканлигини эсга олайлик. Бундан ташқари, юртимизда кўп йиллик майса ҳосил қилувчи чимўтларнинг барча турлари мавжудлигидан келиб чиқса, Ўзбекистон ҳам келажақда минтақанинг яшил майсозорлар етиштирувчи марказларидан бирига айланиши мумкин. Албатта, бу йўналишда тегишли иш олиб бориш, биринчи галда ҳуқуқий асос яратиш лозим. Афсуски, бугунги кунда ихтисослашган майса етиштирувчи илмий марказ мавжуд эмас. Республика Фанлар Академияси тармоғидаги тегишли институтлар бу масала билан шуғулланмайди. Чет элдан катта маблағга олиб келинаётган майсалар эса бизнинг иссиқ ва қуруқ иқлим шароитимизга унчалик мослаша олмайди. Бу ўз-ўзидан Республикада алоҳида майсозорлар етиштириш билан шуғулланувчи илмий марказ фаолиятига эҳтиёж пайдо қилади. Ўзбекистонда ҳудудларни ободонлаштиришга эътибор қаратилётган ҳозирги кунда бу катта иқтисодий ва маданий самара келтириши аниқ. Чунки майсозорлар шаҳар ҳуснига хусн кўшиб туришдан ташқари экологик вазифани ҳам бажаради. Агар ҳар бир қарич орни яшил майсага буржасак, ободонлаштириш соҳасидаги катта ютуқларга эришган эдик.

Аброр ЮНУСОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси тингловчиси



Ёз — ўтмоқда соз!

Болангизга ўқиб беринг

Савол-жавоб

— Нега деҳқон кетмони Ярақлайди, зангласа?
— Кимки бўлса дангаса, Бунинг сирин англаса.

Афоризм

Одам ўзининг фош бўлишидан хавфсираб, ҳақиқатдан қўрқишидан ҳам кўра бахтсизлик йўқ дунёда.
Влас ПАСКАЛЬ

Бу қизиқ!

Ер аҳолиси қўл телефони билан «қуролланмоқда»

Британиянинг **The Mobile World** агентлиги тарқатган маълумотларга кўра, шу йилнинг июл ойига келиб Ер шарида қўл телефонидан фойдаланувчилар сони 3 миллиарддан ошади. Йил охиригача эса 3,25 миллиардга етиши кутилмоқда. Бу соҳада Хитой, Ҳиндистон ва Африка мамлакатлари етакчилик қилмоқда.



Мутахассисларнинг фикрига кўра, мобил телефонлари бозори муваффақиятининг сабаби Nokia ва Motorola фирмаларининг арзон ва истеъмолчилар дидига мос телефонларни ишлаб чиқараётганидир.

Жумбоқ

Савол:

Қизил рангли рўмолчани Қизил денгиз тубига 5 дақиқа ташлаб қўйилса, нима бўлади?

Жавоб: Рўмолча ҳўл бўлади.



Бир кунни Афанди...

Кўчада мини юбка кийган бир қиз кетаётган экан, унинг орқасидан келаётган Афанди қизга гап отибди:

— Яхши қиз оёқчаларингизни қаердан олгансиз?

Шунда қиз орқасига қайрилиб, нозу-карашма билан:

— Супермаркетдан, — дебди.
— Қайтимига юзингизни бердимиз?

Ўқ-э...

«Овқатланиш одоби» ва тўғри овқатланишга доир кўплаб китоблар муаллифи шифокор Элис Чейс тўйиб овқатланмасликдан вафот этган.

Изоҳи сиздан...



Эй дугонажонлар, юқорида нима гап? Бунча, хомуш турасиз, айтинг ўзи не сабаб? — Сувага тушинг сузамиз, гўзал давра тузамиз, Қойил қолсин балиқлар, эпчилликда ўзамиз.

Дуслашайлик, бизлар соз, яқинку ўрдагу ғоз, Табиатнинг кўйида, ором оламиз бир оз.


Рустам САТТОРОВ, Наманган шаҳри

Мени ҳайдаб тўдадан, Сабабин билолмайман. Кузатиб мен узоқдан, Қизиқиб англолмайман. Нима қилдим уларга? Ахир мен ҳам жўжаман. Ичи қора уларни, Мени кўролмадилар. Патларим оқ-да мени, Кўриб чидолмадилар!

Нозимахон АХМАДБЕКОВА, Тошкент шаҳри

— Нега хомуш барчангиз Сўппайиб турибсизлар? Аза очиб кўплашиб Қора пат тақибсизлар.
— Кўп гапирма жўжахон Кетмоқдамиз тўйга биз Совға олиб боришга Етмаяпти қурбимиз.
— Қотирманг бошингизни Шунга ҳам хафа бўлиб Уйимизда бугдой бор Борингиз сават олиб.

Ҳанифа РЎЗИМАТОВА, Наманган вилояти



Энг яхши, энг қувноқ изоҳ эгасига махсус совғамиз бор. Энди навбатдаги суратга изоҳ толинг-чи?


«Изоҳи сиздан» рўқнининг июн ойидаги ғолиби деб самарқандлик Фарҳод ПИРМАНОВ топилиди. Муҳлисимизни табриклаймиз ва совғани олиб кетиш учун тахририятимизга тақлиф этамиз.

Мунажжим баъжорати

(1 июлдан — 7 июлгача)




ҚҮЙ. Ижодий иш юзасидан ўзгариш бўлмайди. Албатта, сизнинг ишингизни юзага чиқарадиганлар ҳамкасблар, оила ва атрофдаги кишилар эканини унутманг. Ойнинг бошида ҳамма соҳада бироз мудроқлик кузатилади. Асосий вақтни яқинлар ва оилага даврасида ўтказинг. Айнан уллар сизга янгича куч-қувват бағишлайди. Шахсий муносабатларда ақл билан иш тутинг. Дам олиш кунини шахар ташқарисидан ўтказган маъқул.



БУЗОҚ. Ҳар қанча кўп меҳнат қилганга қарамай, ўзингизда янада кўпроқ ишонч, шижоат борлигини ҳис этасиз. Уй ишлари, дала юмушларига ҳам вақт топасиз. Тижорат соҳасида, оила масаласида ҳеч иккиланмай қатъий қарор қабул қилинг. Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади. Қўшимча даромад топиш юзасидан қизиқарли тақлифлар тушиши мумкин.




ЭГИЗАКЛАР. Муваффақият қалити тинимсиз меҳнатда. Ҳаёт муаммоларини бартараф этиш учун кимнингдир ёрдамини кутиш ожизлик аломати. Ҳар бир ишни ўз вақтида бажарсангиз ортиқча саволларга ўрин қолмайди. Фақат ишхона билан боғланиб қолмасдан фарзандларга ҳам кўпроқ эътибор қаратинг. Уйда таъмир ишларини амалга оширасиз.



ҚИСҚИЧБАҚА. Етти ўлчаб бир кес мақоли сиз учун ҳафта ишори бўлсин. Ана шунда сиз ҳам кўймайди, кабоб ҳам. Бировларнинг дилини огритиб қўйишдан эҳтиёт бўлинг. Ҳафта воқеаларининг асосий қаҳрамони сиз бўлишингиз мумкин. Шунингдек шахсий ҳаёт масаласини ҳам ҳал қилиш фурсати етди. Балки шу ҳафта орзуингиздаги инсонни учратарсиз. Бебарво бўлманг.




АРСЛОН. Ҳамкорлар билан шартнома тузасиз. Агар каттароқ даромад олишни истасангиз ҳамкорлар танлашда эҳтиёт бўлинг. Саломатлик масаласида бироз муаммо туғилади, касалликни оёқда ўтказиб юборманг. Асорати ёмон. Шу сабабли даволанишни кечиктирманг. Сешанба ва жума кунлари ишингиз тиғиз бўлади. Бандан кредит олишингиз мумкин. Дам олиш кунлари дўстлар билан табиат бағрига саёҳатга чиқшингиз мумкин.



ПАРИЗОД. Нотариал ишлар билан шўғулланасиз, ҳуқуқий маслаҳат оласиз. Ишда илгари йўл қўйган хато туғайли раҳбарият билан бироз келишмовчилик пайдо бўлиши мумкин. Вазмин бўлинг. Хатоларни тузатишнинг бирдан-бир йўли янада кўпроқ меҳнат қилиш. Жума кунини ҳамкорлар билан ийрик шартнома тузасиз. Шанба кунини базмига тақлиф қилишади. У ерда ажойиб дўстлар орттирасиз.




ТАРОЗИ. Камтарга камол. Худбин бўлманг. Ўз ўрнини билган ва бошқаларни ҳурмат қиладиган инсон учун барча эшиқлар очилди. Илмий соҳадаги изланишлар поёнига етмоқда. Пешона тери тўқиб қилинган меҳнат мевасини татишга учун оз вақт қолди. Янги гоғлар ва режаларни амалга ошириши кутилмоқда. Ота-она билан бамаънаҳат иш қилинг. Муҳаббат ботида ёқимли учрашув кутилмоқда.



ЧАЕН. Ички олам туйғулари ва ташқи таъсир туғайли туғилган фикрлар сизни толиқтириб қўяди. Яъни бирор ишни амалга оширишда журъат етишмаётганини сезасиз. Бунинг сабаби атрофдаги воқеаларни кузатмаётганингиз ва ахборотларни тўпламаётганингизда. Яхшиси, бир неча ишни баробар бажармасдан тартиб билан амалга оширинг.



ЎКОТАР. Ҳаёт фақат байрамлардан иборат эмас. Муаммолар ҳарҳисда довдираб қолманг. Ўз билим ва кучингизга ишонинг. Уларни ўз ўрнида қўллаш олсангиз муаммолар ҳал бўлади. Бу ҳафтада ҳеч кимдан қарз олмаң. Агар сизга ёрдам сўраб мурожаат қилсалар рад этманг. Дўст оғир кунда билинади. Пулни беҳудага сарфламаң. Муҳим учрашувларни кейинги ҳафтага қолдириң.



ТОҒ ЭЧКИСИ. Ҳафта сиз учун омадли ва ажойиб кечади. Муҳим янгиликлар ишининг олға силжишига асос бўлади. Чоршанбада анчадан бўён ўйлантираётган саволга жавоб топиб, мушкул вазиятдан осонгина чиқиб кетасиз. Ижодий ва касбий фаолиятда низоҳатда банд бўласиз. Раҳбарият томонидан берилган топшириқни бажаришда масъулиятли бўлинг. Акс ҳолда ишончини йўқотиб қўйишингиз мумкин.



ҚОВҒА. Турли ахборот ва янгиликлар билан чалғиб қолманг. Бу ишда ҳам оилавий ҳаётда ҳам муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Бир ёқлама қараш, шубҳа ва гумонлардан йироқ бўлинг. Ортиқча даҳмазаннинг нима кераги бор? Йирик харид қилишингиз, уй учун бирор маиший техника воситаси сотиб олишингиз мумкин. Оила даврасида ўтказилган дам олиш кунлари сиз учун мароқли кечади.



БАЛИК. Эҳтиёт бўлинг, турли миш-мишлар билан сизни чалғитишлари мумкин. Душанба кунини молиявий муаммоларни ҳал қиласиз. Сешанба кунини бирор буюмни харид қилишда хушёр бўлинг. Собиқ ҳамкасбларни учратасиз. Оилада фарзандлар ёки турмуш ўртоғингиз билан жиддий вазият юзага келиши мумкин. Томонлардан бири оғир ва мулоҳазали бўлса ҳеч қандай муаммога ўрин қолмайди.

Ishonch	Бош муҳаррир Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ	Бизга кўнғироқ қилинг: Котибият: 153-52-78 Хатлар бўлими: 153-85-43	Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134	Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.	Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев Навбатчи муҳаррир - Д.Мадиев Навбатчи - А.Абдиев Муоҳаррир - Н.Юлдашев
	МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	Тахрир хайъати: Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир Уринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиков, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримкул Кодилов, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Ғуломзокир Юсупов	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан руйхатга олинган. IBM компьютерида теришди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, Ҳажми 2 босма табақ.	«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Тахририятга келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олингиллиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар белгиси остидан чоп этилади.